

Р. ШОМАХМУДОВА, І. НУМЕТОВА

БОЛАЛАР НҰТҚИДАГИ НҰҚСОНЛАР  
ВА УЛАРНІА БАРТАРАФ ЭТИШ



Книга должна быть возвращена не  
позже указанного здесь срока

Количество предыдущих выдач \_\_\_\_\_

~~28.04.95 217~~

~~28.01.99~~

~~18.03.09~~

30.03.13/479

44.3


СТ

Ш 44

Р. ШОМАҲМУДОВА, Л. МЎМИНОВА

БОҒЧА ВА КИЧИК МАКТАБ  
ЁШИДАГИ БОЛАЛАР  
НУТҚИДАГИ НУҚСОНЛАРНИ  
БАРТАРАФ ЭТИШ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими  
вазирлигининг ўқув-методика маркази тавсия этган



ТОШКЕНТ — УҚИТУВЧИ — 1993

Мазкур методик құлланмада нутқида нүқсони бұлған болалар билан иш олиб бориш юзасидан күрсатмалар берилған. Болаларниң үзігі хос томонлари ва ёш хусусиятларини ҳисобға олған ҳолда, улардаги талаффуз камчилигини тузатишиң юзасидан топишимоқ, машқ, ҳикоялар тавсия этилған.

Рисола мактабгача тарбия муассасаларининг ва мактабларкиң логопед — үқитувчилари учун мұлжалланған.

74.3

**Шомахмудова Р., Муминова Л.**

Боғча ва кичик мактаб ёшидаги болалар нутқидаги нүқсонларни бартараф этиш.—Т.: Үқитувчи, 1993.—88 б.

1. Автордош.

Шомахмудова Р., Муминова Л. Исправление недостатков речи у дошкольников и младших школьников.

74.3

Ш  $\frac{4305000000-172}{353(04)-93}$  178—93 © «Үқитувчи» нашриети, 1993 ы.

ISBN 5—645—01982—2

## КИРИШ

Мактаб, мактабгача тарбия муассасаларида таълим-тарбия олувчи ҳар бир болани замон талаби асосида ҳар томонлама шаклланган шахс бўлиб жамият ишларида фаол қатнашишига нутқнинг тўғри ривожла-ниши жуда катта аҳамиятга эга. Чунки, нутқ — бу кишилараро алоқа қуроли, миллий бойлик ҳамда тарбия, маориф ва ижодиёт учун қудратли воситадир. Шу боис ҳар бир инсонни нутқни пухта әгаллашга, ўз фикрини тўлиқ ифода этишга ўргатиш лозим. Бола катталарга тақлид қилиш орқали товуш ва сўзларни тўғри талаффуз қилишга ўрганади. Демак, ота-она-лар, тарбиячилар болаларнинг товушларни тўғри талаффуз этишларига эътибор беришлари ва ўз вақтида улар нутқида учрайдиган нуқсон ва камчиликларни олдини олишлари зарур.

Умуман, мактабгача ёшдаги ва мактаб ёшидаги болаларининг кўпчилиги аниқ ва тўғри нутқга эга бўладилар. Аммо, шунга қарамай, улар орасида нутқий нуқсонга эга бўлган болалар ҳам учрайди. Болаларнинг нутқида фақат товушларни бузиб талаффуз қилишдек нуқсон учрамай, балки уларда нутқнинг уму-мий ривожланмаганлиги ҳам кузатилади. Бундай нутқий нуқсонга эга бўлган болалар мактаб дастурини ўзлашибиринда қийналадилар ва улар логопедик ёрдамга муҳтоҷ бўладилар.

Логопедик тарбия воситаларининг самараðорлигини ошириш учун машғулотларни тўғри ташкил этиш ва болаларда бузилган нутқни тузатиш усусларига қизиқиш ўйғотиш зарур. Бунинг учун қўлланмада жу-да кўп машқ ва уларга тегишли расмлар берилган.

Қўлланма талаффузда учрайдиган нуқсонларни бартараф этишга мўлжалланган бўлиб, ундан болада тўғри нутқни тарбиялашда боғча ходимлари, поликлиника ва мактаб логопедлари фойдаланишлари мум-кин.

## НУТҚ ОРГАНЛАРИ

Нутқ кишиларнинг тил воситаси орқали алоқа қилиш жараёнининг тарихан таркиб топган шаклидир. Нутқ ранг-баранг ифодали товушларнинг мажмуасидан иборат. Бу товушлар олий нерв системасининг сигналлари воситасида, нутқ органларининг турлича шакланиши ёки ҳаракати натижасида пайдо бўлади. Шу боис товушларни вужудга келтирувчи манбаларни, органлар физиологиясини, уларнинг фаолиятни ўрганиш, талаффузда нуқсонларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ҳамда тўғри ва равон талаффузни таъминловчи омилларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Нутқ аппарати бир-бирига боғлиқ бўлган икки қисмдан: марказий ва периферик нутқ аппаратидан иборат.

Марказий нутқ аппаратига бош мия киради. У бош мия пўстлоғидан, пўстлоқ ости түгунчалари, ўтказувчи йўллар, ядро стволи, нафас, овоз, артикуляция мускулларига борувчи нервлардан тузилган. Периферик нутқ аппарати З бўлимдан, яъни 1) нафас бўлими, 2) овоз бўлими, 3) артикуляция бўлимларидан иборат.

*Нафас бўлими* ҳаво ўтадиган аъзолардан — кўкрак қафаси, ўпка, бронх тармоқлари, трахеялардан иборат бўлиб, нафас чиқаришда йўналтирувчи вазифасини ўтайди, товуш пайдо бўлиши ҳамда кучайишида иштирок этиб, пастки резонаторлик вазифасини ўтайди.

*Овоз бўлими* овоз пайчалари ва ҳиқилдоқдан таркиб топган. Ҳиқилдоқ эса тўртта тоғайдан тузилган бўлиб, уларнинг 2 таси ҳалқасимон, 2 таси пирамидасимон кўринишида бўлади.

Тоғайлар деворларига туташган пирамидасимон овоз пайчалари бўғизга жойлашган. Овоз пайчалари бўғиз ичида олдиндан орқага қараб кетувчи иккита шиллиқ парда бўлимларидан иборат бўлиб, овоз ҳосил бўлишида бу пайчалар муҳим ўрин тутади.

*Артикуляция бўлими.* Артикуляция органларига тил, лаб, танглай, юқори ва пастки жағ ва тишлар киради. Ана шу орган комбинацияларига кўра оғиз бўшлифи

күрениши турли шаклга кириб, турлича товушларнинг ҳосил бўлишига ёрдам беради. Шунингдек, оғиз бўшлиғи товушларга резонаторлик хизматини ҳам ўтайди.

Тил оғиз бўшлиғидаги энг муҳим органдир. У жуда ҳаракатчан бўлиб шу туфайли, қарийб барча товушларнинг ҳосил бўлишида иштирок этади. Тил уч қисмдан иборат бўлиб у: 1) тил орқа қисмига; 2) тил ўрта қисмига; 3) тил олдинги қисмига бўлинади. Товушлар ҳосил бўлишида ҳар бир қисм ўз имкониятига кўра муайян даражада иштирок этади.

Лаблар ҳам товушларнинг ҳосил бўлишида фаол иштирок этади. Бурун бўшлиғи ҳам анча мураккаб бўшлиқ саналади ва унинг иштирокида турли бурун товушлари ҳосил бўлади.

Товушларни талаффуз этишда жаф пастга тушиб, юқори кўтарилади. Шу боис, оғиз бўшлиғининг турли шаклга кириши ҳам шу билан боғлиқдир.

### Нафас олиш

Нафас олиш ва нафас чиқариш ҳаракатларининг вужудга келишига сабаб кўкрак қафаси ҳажмининг кенгайиши ва торайишидир. Бунда нафас олиш органдарининг мускуллари навбатма-навбат қисқариб ва бўшашиб туради. Кўкрак қафаси бўшлиғи кенгайган вақтда унинг ички томон деворини қоплаб турувчи девор олди пардаси чўзилади. Бу парда билан ўпка пардаси оралиғидаги тор бўшлиқдаги босим атмосфера босимидан анча паст бўлади, натижада ўпка пардаси кўкрак қафасининг девор пардасига сурилади ва у ҳам тортилади. Бунда ўпка ҳажми кенгаяди. Бундай ҳаракат қийишқоқ ўпка пуфакчаларини чўзилишига ундайди ва улардаги ҳаво атмосфера босими таъсирида ҳаво йўллари орқали ташқарига чиқиб кетади.

Тинч ҳолатда нафас олиш. Бу жараён қовурғалар аро нафас олиш мускуллари ҳамда диафрагманинг бўшаши туфайли вужудга келади. Бунда қовурғалар пастга тушади, диафрагманинг бўртиқлиги ортади ва кўкрак бўшлиғининг ҳажми нафас олишдан олдин қандай ҳолатда бўлса, яна шундай ҳолатга қайтади. Шу сабабли муайян миқдордаги ҳаво ўпкадан ҳаво йўллари орқали ташқарига чиқариб юборилади.

Нутқ учун нафас чиқаришнинг маъқул тури пастки диафрагмали нафас чиқаришдир. Нафас чиқаришнинг

бу турида ўканинг энг кенг қисми ва диафрагма, шунингдек пастки қовурға иштирок этади.

Түгри нафас олишга одатланиш учун ҳар куни ноңуштадан ва кечқурунги уйқудан ярим соат олдин машқ қилиш керак. Яъни, бунда аввал, нафас яхшилаб олиб олинади, сұнгра аста-секин чиқарилади. Машқ 5 мартағача такрор бажарилади. Кейинчалик нафас олиб, нафас чиқарыш машқини 15 мартағача етказиш мүмкін. Бу машқларни зўриқмай 2—3 ҳафта давомида бажариш керак. Кейинроқ бориб нафас олиш машқини товушлар билан машқ қилиш орқали мустаҳкамлаш лозим. Бунда нафас хотиржамлик билан олинади ва аста-секин чиқарилади. Нафас чиқарилаётганданда ф..., с..., ш..., х..., товушлар чўзиброқ талаффуз этилади, кейинроқ бир нафас чиқарышда иккита товуш ф..., ф..., ф..., ф..., ф..., ф..., с..., ф..., с..., ф..., с..., ф..., сұнгра учта ф..., с..., ш..., товуш талаффуз қилинади. Бунда товуш узилмаслиги ва бир товуш иккinci сига боғланган бўлиши керак.

Янги товушларни бир-бирига қўшиш билан нафас чиқаришни аввалгисига нисбатан чўзиш лозим. Шундай қилиб, нутқий нафасга қўйиладиган талаблар қўйидагича: 1) нафас олмай туриб, гапиришни бошлаш керак эмас, фақат нафас чиқарилаётгандагина гапириш; 2) нафас чиқариш ва нафас олишни фақат оғиз орқали бажариш; 3) нафас секин-аста ва шовқинсиз олиниши, нафас чиқариш эса чўзиқ ва тежамли бўлиши; 4) нафас олиш пайтида қорин ва ўпкани пасти кенгайиши, нафас чиқариш вақтида эса улар олдинги ҳолатга қайтиши; 5) нафас чиқариш ва нафас олиш вақтида кўкрак қафаси фаол иштирок этмаслиги; 6) нафас олиш ва нафас чиқариш вақтида елкалар ҳараратсиз бўлиши; 7) нафас олгандан кейингина нафас чиқаришга ўтилиши, улар ўртасида пауза бўлмаслиги; янги нафас олиш олдидан тахминан 2—3 сония тўхталиши; 8) чиқарилган ҳаво асосан унли товушларга сарфланиши; 9) бир нафас чиқаришда 3—4 сўз талаффуз қилиниши, бунда сўзлар бир-бирига қўшиб талаффуз этилиши; 10) узун жумлаларни талаффуз этишда аввало, мазмунли бўлакларга ажратиш ва талаффуз қилиш чоғида албатта қўшимча нафас олиш; 11) нафас чиқаришда эҳтиёткор ва тежамкор бўлиш, ҳавони беҳуда сарфлашга йўл қўймаслик; 12) нутқий нафас олишда бўйин, қўл, қорин, кўкрак мушакларининг та-

ранглашишига йўл қўймаслик лозим, акс ҳолда соғ ва енгил овоз чиқаришга эришиб бўлмайди.

### Овоз

Овоз ва нуқт чоғида кечадиган жараёнларни бош мия бошқаради. Ундан келган сигналга мувофиқ овоз ва муайян нутқ товушлари пайдо бўлади. Энергетик система (бунга нафас органлари киради) ёрдамида пайдо қилинган овоз «ҳайдаб» чиқарилади ва резонатор системаси ёрдамида кучайтирилади.

Овоз пайчалари ҳиқилдоқ ипига жойлашгандир. Овоз пайчалари учбуручак шаклида тузилган ҳиқилдоқнинг орқа (томуқ) қисмидан икки тасма шаклида бошланиб, бўртиб турган олдинги бурчакка келганда учлари бирлашади. Овоз пайчалари оралиғида узунасига пайдо бўлган ёриқни овоз дарчаси дейилади.

Овоз пайчалари киши гапираётган пайтда, гапи-рұвчининг эҳтиёжига кўра тез-тез чўзилиб-қисқарип туради. Пайчалар қанчалик тортилса, овоз шу қадар ингичка ва қаттиқ чиқади, яъни овоз пайчалари шу қадар қисқарип боради. Бу вақтда икки ёндан ўраб олган тоғайлар ва ҳиқилдоқнинг тебраниб туриши ташқи томондан ҳам сезиларли даражада кўзга ташланади. Пайчаларда ҳосил бўлган товушлар қайтаргич (резонатор)ларга урилиб, қайтгандан кейингина овоз тарзида эшитилади. Қайтаргичларсиз товуш кучсиз ва ифодасиз бўлади.

Киши организмидаги қайтаргичлар жумласига қаттиқ тўқималардан иборат қисмлар — кўкрак қафаси (сүяклар), бош суюги, бурун тоғайлари, бурун бўшлиғи, тишлар, жағ суюклари киради.

### АРТИКУЛЯЦИОН АППАРАТНИ ТЕҚШИРИШ

Артикуляцион аппаратни текширишдан кутилган мақсад товушлар талаффузидаги нуқсонларнинг сабаби бўлувчи артикуляцион органлар тузилишидаги яққол ифодаланган аномалияларни аниқлашдир. Артикуляцион аппарат тузилишини текширишда қўйидаги-ларга эътибор берилади.

**Лаблар:** қалин, юқора, юқори лабнинг калталиги ва пастки лабнинг қалинлиги, лабнинг туғма иккига бўлинганлиги.

**Тил:** макроглоссия, узун, тор тил, калта тил, тил тагидаги юганчанинг калта бўлиши.

**Жағлар:** прогения, прогнатия.

**Тишлар:** йўқ бўлиш, (олд ва ён тишларнинг) ораси очиқ бўлиши.

**Қаттиқ танглай:** баланд, паст, ясси, ёриқликнинг бўлиши.

**Юмшоқ танглай:** калта, иккига бўлинган, йўқ бўлиши.

Сўнгра артикуляцион аппарат органларининг ҳаракатчанлиги текширилади. Бунда лаб, пастки жағ, тил, юмшоқ танглай машқларидан фойдаланилади.

### Артикуляция

Нутқ жараёнида лаб, жағ, тилнинг турли шаклда ҳаракат қилишига артикуляция дейилади. Артикуляцион машқлар асосан талаффуз аъзоларининг фаолиятини фаоллаш, кейинги иш жараёни бўлган нутқ товушларининг аниқ талаффузини таъминлашни кўзда тутади. Нутқ аъзоларининг мўътадил ва бир меъордаги ҳаракатини таъминловчи машқлар асосан қуидагилардан иборат:

**Юқори лаб машқи.** Машқ вақтида лаб икки ёнга ва юқорига тортилиб «табассум» ҳолати юзага келтирилади. Худди шундай фаоллик билан лаб асли ҳолига келтирилади ва юқори тишлар ёпилади.

**Пастки лаб машқи.** Бунда юқоридаги ҳолат тулатўқис пастки лаб воситасида бажарилади. Бунда жағнинг қимирламаслигига алоҳида эътибор берилади.

Бирлаштирувчи машқда юқори ва пастки лаб машқлари навбатма-навбат бажарилади. Демак, аввало юқори лаб, кейин пастки лаб ва яна юқори лаб ва пастки лаб машқлари такрорланади. Бу манзара тишларни лаблар воситаси билан навбатма-навбат «артиши» эслатади.

**Умумий машқлар.** Лаблар «о» товушини талаффуз этаётгандек ҳажмда очилади ва олдинга чўзилади, кейин лаблар аста-секин «у» товушини талаффуз этиш ҳолатигача қисқартириб борилади, ундан кейин икки лаб тишлар қаторини «артган» каби икки томонга тортилади ва яна олдинга чўзилиб бошланғич «о» шаклига келтирилади. Бу машқни бажаришда о—и—а—у—ў—и—о товушлари овозсиз, фақат артикуляция воситасида бир неча марта такрорланади.

**Юқори лабни «тараши» машқи.** Бунда юқори лаб имкони борича икки ёнга тортилган ҳолда (тишлар оша) ичкарига қайтарилади, жағ бир оз олдинга ҳаракат қилиб пастки тишлар қатори билан лабни юқорига «тарай» бошлайди.

**Пастки лабларни «тараши» машқи.** Юқори тишлар қатори ҳаракатга келтирилмай туриб, пастки лабни юқори тишлар қаторига тегизиб ичкарига қайролади ва юқори тишлар воситасида «тараш» ҳолатига келганды яна олдинги ҳолатга қайтарилади. Бу машқлар навбатма-навбат такрорланади.

**Лабларни чүччайтиши машқи.** Тишлар бир-бирига зич ёпишган ҳолда, лаблар ўзидан узоқда турган бир нарсани ўмоқчи бўлгандек олдинга чўзилади, кейин чуқур илжайиш ҳолатига (икки ёнга тортилади) ўтилади. Бу машқ ҳам бир неча марта такрорланади.

**Тил машқлари.** Тилни чиқариш ва тортиш машқнида тилнинг икки чекаси юқорига кўтарилиб «тарновча» ҳосил қилинади ва имкон борича олдинга чўзилади ва юқори милкларни, кейин танглайни силаб ўтиб, томоққа томон қайролади. Машқ бир неча марта такрорланади.

**Лабларни ялаши машқлари.** Бунда тил уни билан эркин турган лаблар доирасини аввал бир томон, сўнгра қарама-қарши томон бўйлаб «ялаб» чиқилади. Бундай машқ вақтида тилдан бошқа барча органлар осоишта ҳолатда туриши лозим.

**Тилни лунжлар томон ҳаракат қилдириши машқи.** Бундай машқни бажаришда тил уни ўнг ва чап лунж томони аввал аста, сўнг тез ҳаракат қилдирилади.

**Тилни айлантириши машқи.** Бу ҳолда лаблар юмуқ бўлиб тил уни билан тишлар бўйлаб аввал бир томонга, сўнгра қарама-қарши томонга ҳаракат қилинади. Бу машқда тишни тозалаш ҳолати бажарилади.

**Тилни тишлаши машқи.** Бунда тилни тепа ва пастки тишлар орасига олиб уни бир неча бор «тишланади».

**Жағ машқлари.** «Эснаш» вазияти машқида тил ясси ва эркин ҳолатда бўлиб, уни пастки тишлар қаторига тегиб туради, жағ бир оз пастга томон туширлиб, айни вақтда енгилгина нафас олинади: кичик тилнинг олдинги қисми ёйилиб юқорига кўтарилади ва ёқимли «эснаш» пайдо бўлади.

**Жағни олдинга ҳаракат қилдириш машқида жағ**

бир оз пастга туширилиб, олдинга ва орқага қараб ҳаракат қилинади.

Жағни икки ёнга шошилмай ҳаракат қилдириш қўшилади. Машқ бир неча марта такрорланади.

## БИРИНЧИ ҚИСМ

### ТОВУШЛАР ТАЛАФФУЗИННИ ТЕҚШИРИШ

Товушлар талаффузининг ҳолати логопедик амалиётда қабул қилинган қуйидаги усул асосида текширилади. Бунда болага буюмли расмлар кўрсатилади. Расмдаги буюмларни ифодаловчи сўзлар ичидаги келувчи текширилаётган товуш эса уч ҳолатда берилиши лозим бўлади: сўзниң бошида, сўзниң ўртасида ва сўзниң охирида.

Товушлар талаффузининг ҳолати қуйидаги аниқланади:

— механизмлар бўйича: дислалия, енгил кўринишидаги дизартрия;

— кўринишига кўра: мотор, сенсор, аралаш дислалия;

— юзага чиқишига кўра: мономорф ёки оддий бузилиш, полиморф ёки мураккаб бузилиш.

Барча текширилаётган товушлар қатнашган сўзларни ифодаловчи маҳсус танланган буюмли расмлар текшириш учун материал булиб хизмат қиласи. Расмларни танлаш мезонлари: мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг тушуниши учун мос бўлиши; идрок қилинаётган расмнинг тарбиявий ва таълимий томонлари ҳисобга олиниши ва ижобий ҳис-ҳаяжон муносабати ўйфотиши; ҳаётий вазиятларни акс эттириши лозим.

#### **Сирғалувчи ва шовқинли (С, З, Ц, Ш, Ж, Ч) товушларни тўғри талафғуз этишга ўргатиш методикаси**

С — жарангсиз, тил олди товуш. С товушни талафғуз этишда артикуляцион органлар қуйидаги ҳолатда бўлади: талафғуз вақтида лаблар илжайганисимон очиқ, пастки ва устки тишлар эса бир-бирига тегар-тегмас даражада яқин ҳолатда бўлади. Бунда айниқса пастки тишлар қаторининг олдинга чиқиб ёки ичкарига кириб кетишига йўл қўймаслик керак.

Тилнинг учи ёйилиб, тегар-тегмас ҳолатда бўлади, яъни тилнинг сатҳи билан қаттиқ танглай орасидаги масофа торайиб боради, юмшоқ танглай эса бир оз кўтарилади. Ҳаво оқими тил ва юқори милкдан сирғалиб чиқади ва шовқин ҳосил қиласди.

З товуш — жарангли, тил олди товуш. Бунда «с» товуши артикуляцион ҳолатига фақат овоз қўшилади.

Ш — шовқинли, сирғалувчи, жарангсиз, тил олди товуш. Бу «с» товуш талаффуз этилаётганда лаблар бир оз чўччаяди, юқори ва пастки тишлар бир-бира-га жуда яқинлашади, тил учи муаллақ ҳолатида бўлиб, салгина қисқаради ва ёзилиб тепа тишларга томон кўтарилади. Пастки жағ эса жипслашади. Тил учи ва тишлар оралиғидан сирғалиб чиқкан ҳаво тўлқини «ш» товушини вужудга келтиради.

Ж товуши ҳам юқорида баён этилган хусусиятларга эга бўлган жарангли ундош товушдир. Бу товушни талаффуз этаётганда пастки тишлар қатори бир оз пастга туширилади, тил учи танглай томон қайрилади ва титрайди.

Ч — жарангсиз товуши ҳам жарангли «ж» товуши каби ҳосил бўлади. Ч товуши талаффуз этилаётганда лаблар бир оз чўччаяди, тилнинг олдинги қисми милкка тегади, лекин одатдаги портлаш юз бермайди ва оғиз бўшлиғига келган ҳаво сирғалиб чиқиб кетади. Тўла бўлмаган ана шу портлаш ва ҳавонинг сирғалиб чиқиши натижасида қоришиқ (яъни икки хил усул иштирокида) Т—Ш—Ч ундошлари ҳосил бўлади. Овоз пайчалари жипслашиб ҳаво оқими кучли бўлади.

### Сигматизмлар

Сигматизм юонча сигма «с» ҳарфининг номини билдиради. Сирғалувчи ва шовқинли (с, з, ц, ш, ж, ч) товушларни нотўғри талаффуз қилиш сигматизм деб айтилади. Сирғалувчи товушларни шовқинли ёки бошқа товушларга алмаштиришни эса парасигматизм дейилади.

### Сигматизм турлари

*Тии ора сигматизм.* Сирғалувчи ва шовқинли товушларни талаффуз этишда тилнинг учи юқори ва пастки тишларнинг орасида бўлади ва бунинг натижасида сирғалувчи с, з товушлари ўрнига ш, ж товушлар талаффуз этилади.

*Лаб-тиш сигматизми.* Сирғалувчи ва шовқинли товушлар ф ва в товушларига үшшаб талаффуз қилинади. Бунда нутқ органлари қуйидаги ҳолатда бўлади. Пастки лаб юқори тишларга томон жутарилиб, ҳаво оқими йўлини торайтиради, тилнинг учи эса ёйилиб, юқори милкка тегар-тегмас ҳолатга келади. Бундай артикуляцион ҳолатда ф ва с, в ва з товуш элементларига эга бўлган товуш ҳосил бўлиб, натижада ноаниқ, тушуниб бўлмайдиган, қулоққа ёқимсиз товуш талаффузи эшитилади.

*Тиш сигматизми.* Сирғалувчи товушлар қуйидаги ҳолатда талаффуз этилади. Тилнинг учи юқори ва пастки тишларга тақалиб туради ва ҳаво оқимининг тишлар орасидан утишига тусқинлик қиласи, аниқ эшитилмаса зонд ёрдамида ёки гугурт чўпи билан тилнинг учини пастки тишлар орасига босиб туриб с товушни айттириб курилади. Шунда с товуши аниқ ҳосил бўлади. Кейинчалик с товушига унли товушлар қушиб талаффуз этилади.

С товуши аниқ, тўғри ҳосил бўлгандан сўнг э товушни талаффуз этишга ўтилади. Бунда с товушга овоз қўшиб талаффуз қилиш таклиф қилинади.

Лаб-тиш сигматизмини бартараф этишда логопед болага (с товуши талаффузида) лабларни кулги ҳолатига келтиришни таклиф этади (бунда милклар кўриниши керак). Агар бола бу машқни ўзи бажара олмаса, логопед ёрдам беради. Логопед боланинг пастки лабини бармоғи билан пастга тортади ва илжайиши буюриб туриб с товушни талаффуз қилдиради. Сўнгра с товуши унли товушлар билан қўшиб (зарур бўлса, бармоқ билан пастки лаб пастга тортиб турилади) талаффуз этилади, кейинчалик эса бу товуш механик суратда талаффуз этиладиган бўлади.

Тиш сигматизмини бартараф қилишда логопед иккι усулдан фойдаланиши мумкин: 1. Ҳаво оқимини юқори ва пастки тишлар орасидан чиқариш, бунда шпатель ёки гугурт чўпи ёрдамида тилнинг учини пастки тишнинг орқасига енгилгина босиб турилади ва ҳаво оқими чиқарилади; 2. Тилнинг учини кенг ёйиб юқори ва пастки тишлар орасига олиш ва ҳаво оқими чиқариш. Бунда ҳаво оқими тилнинг учига тегиб с товушига үхшаш «шипилловчи» товуш ҳосил бўлади. Сўнгра логопед шпатель учи ёки маҳсус зонд билан тилнинг учини енгилгина босиб, пастки тишнинг

орқасига утказади ва болага ҳаво оқимини чиқариб с товуш ҳосил қилишини буюради. Бу товуш бүғин, сұзларда мустаҳкамлангандан кейин, тил учи пастки тишлилар орқасига туширилади ва аниқ с товуши ҳосил бұлади. Товуш бүғин, сұз, шеър ва хикояларни үқитиши билан машқ қилдириб борилади.

Бурун сигматизмини бартараф этишда асосий мақсад ҳаво оқимини асосан оғиз бүшлиғидан утқазиши дид. Бунинг учун турли үйин машқларидан фойдаланилади. Масалан, бурундан нафас олиб, оғиздан чиқариш, оғиз билан нафас олиш ва уни чиқаришда ёниб турған шамни пулфлаб үчириш, пахта бұлакчаларига қараб пулфлаш, қоғоз парчалари ва патлар осилган «тәжчаларга» пулфлаш. Ҳаво оқимини оғиздан чиқаришга эришилгандан сұнг юқорида қайд этилған усуллар ёрдамида с товуши ҳосил қилинади.

Сирғалувчи ва шовқинли товушларнинг артикуляцияси тұғри йўлга қўйилгандан кейингина уларни мустаҳкамлаш, бир-биридан фарқлаб талаффуз қилишга ўтилади.

Сирғалувчи товушларда бўлган нуқсонлар шовқинли (*ш*, *ж*, *и*) товушларда ҳам учраб туради. Бундан ташқари, шовқинли товушлар сирғалувчи товушлар билан алмаштирилади. Масалан, *ш* товуши билан с товуши, *ж* товуши билан з товуши, *и* товуши билан ң товуши алмаштирилади. Бу нуқсонлар қўйидаги усуллар ёрдамида бартараф этилади.

Ш товушини ҳосил қилиш учун тақлид усулларидан фойдаланиш керак. Бу усул натижа бермаса, механик усулдан фойдаланиш лозим. Бундан болага с товушини айттириб, шу вақтнинг ўзида зонд ёки шпатель ёрдамида тил бир оз юқорига кўтарилиб, орқага итарилади. Бунда с ўрнига *ш* товуши, з ўрнига *ж* товуши ҳосил бўлади. Бир неча бор механик усул ёрдамида товуш ҳосил қилингандан сұнг, мустақил талаффуз этишга ўтилади. Бундай машқлар бўғинлар, сўзлар, расмлар, шеър, хикоялар айттириш ёрдамида амалга оширилади.

Қоришиқ *и* товушини ҳосил қилиш учун логопед боланинг тили остига шпатель ёки зонд қўйиб, унга *атъ* бўғинини талаффуз этишини таклиф қиласи. Талаффуз пайтида тилни юқорига кўтаради. Шунда «*атъ*» бўғини ўрнига *ач* бўғини эштилилади. Бу машқ бир неча бор тақрорланғач, ч товуши ҳосил бўлади, сўнгра муста-

қыл талаффуз қилишга ўтилади, ҹ товушини аввало ёпиқ бўғинлар ач—оц—үч—иҷ—үч, кейин очиқ бўғинлар, шундан кейингина сўзлар, шеърлар, ҳикоялар ёрдамида мустаҳкамлаш тавсия этилади.

## Сирғалувчи товушларнинг талаффузини мустаҳкамлаш

С .томуши талаффузига оид машқлар

С товушли бўғинларни ва сўзларни аниқ талаффуз этинг.

са—са—са—сарой	ас—ас—ас—қафас
со—со—со—соя	ос—ос—ос—осмон
су—су—су—сут	ис—ис—ис—ириш

соя	коса	товус
сим	уста	олмос
сода	ўсма	гирос
сава	рассом	дарс
совун	осмон	патнис
соқол	саксон	компас
сомон	доска	насос
соябон	асфальт	автобус
суяк	расм	нафас
сўри	Асад	матрос
сандиқ	Ҳасан	троллейбус

Қўйидаги ибораларни ўқинг ва ёзиб олинг.

Бу сиёҳдон.

Бу синф.

Сиёҳдонда сиёҳ бор.

Синфда Салима бор.

Бу соат.

Юнус расм солди.

Бу Юнус.

Сувни исроф қилманг.

Бу сим.

Боғда саъва сайрайди.

Бу Илёс Расулов.

Уста стул ясади.

Бу Юсуф Самадов.

Бу Расул.

Бу Сайфиддин Сарим-  
соқов.

Саодатнинг чанаси

бор.

Мен расм соламан.

Саттор билан Аббос рассомлик тўгарагига аъзо.

Сиддиқ билан Собир гуллардан гулдаста ясадилар.

Сув — пахтанинг қони.

Сувоқ учун сомон келтирилди.

Оқ пилла, сариқ пилла, пилламас асл тилла.

Санобар соchlарини тарайди.

Силлиқ қилиб эрталаб.

Синглисига қарайди.

Ўргатади битталаб.

Ибораларни қўйидаги намунага қараб ўзгаририng.

Менинг исмим Салима.

Бизнинг исмимиз Салима.

Сенинг исминг Салима.

Сизнинг исмингиз Са-

Унинг исми Салима.

лима.

Уларнинг исми Салима.

Мен стул сотиб олдим.

Мен самолётда Самарқандга учдим.

Мен автобусда Салимани курдим.

Мен сотувчи бўламан.

Қўйидаги саволларга тўлиқ жавоб беринг.

Қайси транспортнинг номида *с* товуши бор?

Қайси дараҳтнинг номида *с* товуши бор?

Қайси уй жиҳозларининг номида *с* товуши бор?

Қайси ҳайвонларнинг номида *с* товуши бор?

Қайси гулларнинг номида *с* товуши бор?

Қайси касбларнинг номида *с* товуши бор?

Қайси қушларнинг номида *с* товуши бор?

*Текшириш учун сўзлар.* Редиска, сабзи, сигир, самокат, скамейка, стол, стул, сада, сервант, матрос, велосипед, кассир, мусиқа, арслон, троллейбус, автобус, гилос.

### Маколлар

Сув қатраси — дур қатраси.

Салобатли бўлма, саботли бўл.

Дастурхонга боққан дўст эмас.

Кучли бўлай десанг — дўст орттири.

Эшик очиқ бўлса ҳам сўраб кир.

### Топишмоқлар

Қор эмас, оппоқ

Борар текис эгатдан,

Пар эмас, юмшоқ.

Бармоқлари пулатдан.

Пахта

Елкасида қопи бор,

Катта темир саватдан.

*Пахта терии машинаси*

Сұхбати ширин  
Турғани билим  
дүстим,  
дүстим.  
*Китоб*

### Т е з а й т и ш л а р

Ҳалимани санама, Салимани сана.  
Содиқ сочиққа сочини артдими?  
Сочиққа Содиқ сочини артдими?  
Содиқ Салимга соат бердими?  
Салим Содиққа соат бердими?  
Учта соат соз, уста соз, учта соат оз.

### З т о в у ш и т а л а ф ф у з и н и м у с т а ҳ к а м л а ш г а о и д м а ш қ л а р

З товушли бүғинларни ва сұзларни аниқ талаффуз  
этинг.

за—за—за—зах	аз—аз—аз—газ
зо—зо—зо—зоғ	оզ—оզ—оզ—ғоզ
зу—зу—зу—зулм	из—из—из—Азиз
зи—зи—зирк	уз—уз—уз—туз
зұ—зұ—зұ—зұр	ұз—ұз—ұз—құз

зал	кұза	зумрад
зот	гүлзор	дазмол
уэум	мағиз	қозық
узук	ҳөвуз	тарвуз
ваза	зайтун	паровоз
ғұза	занжир	пиәз
зина	Зайнаб	яллиз

Қүйидаги ибораларни үқинг.

Зайнаб ёзаяпти.  
Поезд құзғалди.  
Биз тинчлик құшиғини  
куйлаймиз.

Күшлар — бизнинг  
дүстимиз.  
Зоҳид секин сұзлади.  
Биз ўз Ватанимизни  
севамиз.

Ибораларни қүйидаги намунаға қараб үзгартыринг.

Мен үзум уздік.  
Сен узум уздинг.  
У узум узди.

Биз узум уздик.  
Сиз узум уздингиз.  
Улар узум уздилар.

Мен зағизғонни зурға ушладим.  
Мен физкультура залида үйнадим.  
Мен механизатор бұламан.  
Мен ёзда колхозда ишладим.

Қуйидаги саволларга тұлиқ жавоб беринг.  
Қайси транспортнинг номида з товуши бор?  
Қайси дараҳтларнинг номида з товуши бор?  
Қайси үй жиҳозларининг номида з товуши бор?  
Қайси ҳайвоnlарнинг номида з товуши бор?  
Қайси сабзавотларнинг номида з товуши бор?  
Қайси меваларнинг номида з товуши бор?  
Қайси гулларнинг номида з товуши бор?  
Қайси идишларнинг номида з товуши бор?  
Қайси касбларнинг номида з товуши бор?  
Қайси паррандаларнинг номида з товуши бор?  
Қайси кийимларнинг номида з товуши бор?  
Қайси одамларнинг номида з товуши бор?

Текшириши учун сұзлар. Бульдозер, грузовой, узум, зира, сабзи, пиёз, узук, қозон, ваза, дераза, заргар, ёзуучи, құнғыз, занжир, кундуз, Зумрад, Зарифа колхозчи, итоғиз, бұтакұз.

### Мақоллар

Оз сұзла — соғ сұзла.  
Ұзи юзсиз, сүзи түzsиз.  
Оталар сүзи — ақлнинг  
күзи.  
Орзуга айб йүқ.

Изланғанга зафар өр,  
Бола азиз, одоби ундан  
азиз.  
Юзга айтғаннинг захри  
йүқ.

### Топишмоқлар

Узундан узоқ  
Хавога тузоқ.

Ұзи битта,  
Құлоғи тұртта

Тутун

Қозон

Зув-зув борар,  
зув-зув келар,  
Достон үқир.

Кундузи иззатда  
Кечаси хизматда

SURXONG TALVİDİ YÖLĞİZATI	KİPRA
XALQ TA'LIMI BOSHOARMASI	KİPRA
VILOYAT AXBONASI	БОЛАЛАР
2-38 RESURS MARKAZI	218467
Inv. № 6813	КУГУБДЕНДАСЫ
20 у	

БОЛАЛАР

218467

КУГУБДЕНДАСЫ

## Тез айтишлар

Рамз, Термизда терм  
кимиз күйіб оламиз.

Узук күзи бузуқми,  
Узук күзи түзүкми?

## Тубсиз денгиз дедингизми?

## Денгиз тенгсиз дедингизми?

Сирғалувчи с—з товушларни дифференциациялашга оид машқлар Қуйидаги бүгін ва сүзларни анық талаффуз этинг.

ос—оз	сим—зим	сийрак—зийрак
ис—из	сир—зир	сомон—замон
сол—зол	сиёҳ—заҳа	силсила — зилзила
сира—зира	қарс—қарз	сафар—зафар

Нұқталар үрнига тегишли ҳарфларни қўйиб үқинг.

...ават	...авхоз
...авдо	...аём
...аломат	...анг
...аъва	...амона

Күйидаги саволларга түлиқ жавоб беринг.

## Поезд қаерга келиб тұхтади?

Сабзи, пиёз, картошка, карам, шолғомларни бир сүз билан нима деб атамиз?

Машина паровоз, самолётларни қаерда ишлаб чиқарылади?

Қайси ҳайвонлар номида с ва з товушлари бор?  
Қайси рангларнинг номида с ва з товушлари бор?

*Текшириш үчүн сұзлар:* Вокзал, сабзавот, завод, Салима, Соҳиба, Сайёра, Зарифа, Зайнаб, Зокир, Собир, Наргиза, Дилноза, арслон, зебра, сигир, зангори, сариқ, қызил.

Ибораларни қуидаги намунаға қараб үзгартыринг.

Мен синглимга зирак юлиб келдим.

Сен синглингга зирак олиб келдинг.

У синглисига зирак олиб келди.

Биз синглинизга зирак олиб келдик.

Сиз синглингизга зирак олиб келдингиз.

Улар сингиллариға зирак олиб келдилар.

Мен синфдан Зарифәни чакирдим

Мен ёзда колхозга бордим.

Мен соат саккизда турман.  
Мен куз фаслини севаман.

Нуқталар ўрнига тегишли ҳарфларни қўйиб ўқинг.  
Куз фаслида дараҳтларнинг барглари ...арғаяди.  
Сийрак экилган пиё... тез етилади.  
Би... танаффу...дан тўғри фойдаланамиз.  
Эрталаб бир о... ...овуқ бўлди.  
Ҳозир Нарги...а иккинчи ...инфда ўқийди.  
...одиқ ру...ча сў...лашни билади.

Нуқталар ўрнига тегишли сўзларни қўйиб ўқинг.

Биз ... ҳам, кучли изғиринлардан ҳам қўрқмаймиз.  
Зафар Москвага ... учди.  
Сборда пионервожатий ...  
Кузда шабада ғир-ғир ...  
Собирнинг ... деган кучуги бор.  
Куз қандай гўзал ...!  
Сайд ака колхозда ... бошлиғи.  
Биз билан Соли бирга ... тайёрлади.  
Текшириш учун сўзлар: совуқдан, самолётда, сўзлари, эсади, тўрткўз, фасл, звено, колхоз, дарс.

### Мақоллар

Эл сўзи — дил сўзи.  
Сабр — умр хазинаси.  
Тозалик — соғлиқ гарови.

Сувнинг онаси булоқ,  
Сўзнинг онаси қулоқ.

Режасиз дараҳтзор —  
чангалзор.  
Санамай саккиз дема,  
Ўйламай тўққиз дема.  
Сиҳат тиласанг кўп ема.  
Иzzат тиласанг, кўп дема  
Сувсиз ҳаёт бўлмас.  
Меҳнатсиз — роҳат.

### Топишмоқлар

Бурасангиз қулоғин,  
Кумуш каби дур сочар,  
Тоза қилиб танингиз,  
Баҳри дилингиз очар.

Душ.

Хўппа семиз, бир туки  
йўқ.  
Тарвуз.

Ўйиб олдим ўрни йўқ..

Сув.

Олтин қозиқ ер остида  
Күк арқони ер устида.

Сабзи.

Үтда ёнмайды, сувга  
ботмайды.

Муз.

### Тез айтишлар

Учта соатсоз, уста соатсоз.  
Занг босганга ранг юқмас.  
Ранг юққаны занг билмас.  
Солиҳа, Соҳиба, Зоҳира, Зоҳида саҳифани синчик-  
лаб ўқидими?  
Зоҳида, Зоҳира, Соҳиба, Солиҳа саҳифани синчик-  
лаб ўқидими?

С—З товушларини шеърларда  
мустаҳкамлаш ва  
дифференциациялаш

A. Ирисов

Ёмғир ёғсин, сус.  
Уралар тұлсын, сус,  
Жалалар ёғсин сус!  
Оқ сигир, күк сигир,  
Қани тезроқ бүл сигир.  
Дони менга,  
Сомони сенга  
Хўп, тўп...  
Тилла сандиқ очилди,  
Тагига бодом сочилди.

### Қўнғиз нима дейди

O. Кўчкорбеков

Тилла қўнғиз,  
Дейди «ғиз, ғиз».  
— Қўйвор мени,  
Ишим тифиз.

Бирога сен  
Берма озор,  
Бекорчидан,  
Эл ҳам безор.

C. Жаббор

Яйловда бир бузоқча,  
Аразлабди тўдадан.  
Кетиб қолиб узоққа,  
Адашибди подадан.

*И. Дониш*

### Саримсоқ

Саримсоқман, Саримсоқ,  
Доим менинг таним соғ.  
Сал ҳиди бор демасанг,  
Күп әмас оз-оз есанг,  
Гүёки сув, ҳавоман,  
Минг бир дардга  
давоман.

### Сабзи

Таништириб ұзини  
Сабзи бошлар сүзини:  
Қызыл, сариқ рангдамиз,  
Енгилмаймиз жаңда  
биз.

Ер остида үйимиз,  
Доим фикру-үйимиз.  
Одамларга беріб наф,  
Қозонда турсак қайнаб.

*Асом Зиёматов*

### Сумалак

Бувим қозон бошида,  
Бу йил саксон ёшида.  
Сумалакка бош бұлди,  
Күнглим қувончга тұлди.  
Кимdir үтін ёрмоқда.  
Уchoқда үт ёнмоқда.  
Бувим ковлар қозонни,

Мұлжаллаб тонг-азонни,  
Ұртада шириң суҳбат,  
Бир-бирига зұр ҳурмат.  
Қозон тонгда очилди,  
Меҳмонларга сузилди.  
Роҳат қилиб ейишиди,  
Шириң экан дейишиди.

*Ф. Иминов*

### Зоғчалар

Бедор қолиб зоғчалар,  
Зоғчалар —  
хушчақчалар.  
Нени садо қиласиз —  
Бечүнтак, беақчалар?!  
Ер юзин сайёхлари,  
Күп юртларда  
бұлдингиз,  
Қайда бизнинг куз каби,  
Күркем кузни күрдингиз.

Хақиқатни излаган,  
Ноҳақларни тузлаган,  
Доим тұғри сұзлаган,  
Узоқларни күзлаган,  
Тоза виждонлар керак,  
Янги инсонлар керак!

## Ш, Ж, Ч шөвқинли товушлар талаффузини мустаҳкамлаш

*Ш товуши талаффузига оид машқлар*

*Ш товушли бүғинларни ва сұзларни аниқ талаффуз  
этинг.*

ша-ша-ша-шапка	аш-аш-аш-машқ
шо-шо-шо-шоли	ош-ош-ош-мош
шу-шу-шу-шувъла	уш-уш-уш-дүш
ши-ши-ши-шим	иш-иш-иш-тиш
шұ-шұ-шұ-шұх	ұш-ұш-ұш-бұш

шам	әшик	тиш
шар	теша	қишиш
шарф	бешик	болишиш
шамол	қошиқ	Әргаш
шиша	мош	бойқүш
шакар	шашка	идишиш
шолғом	мушук	дүш
шайтоли	тошбақа	хамиртуруш

Қүйидаги гапларни үқинг.

Шамол құзғалди.  
Яшил япроқ.  
Еш боғбон.  
Тошкент азим шаҳар.  
Шоиста беш ёшда.  
Хушманзара қишлоқ.

Шавкатга шар олиб ке-  
лишиди.  
Етиш олдидан тишинг-  
ни юв.  
Қишиш. Оппоқ қор әға  
бошлади.  
Машиналар ишни енгил-  
лаштиради.  
Лагерда шахмат-шашка  
тұғараклари ишлайди.

Ибораларни қүйидаги намунага қараб үзгартиринг.

Мен ош пиширдим.  
Сен ош пиширдинг.  
У ош пишири.

Биз ош пиширдик.  
Сиз ош пиширдингиз.  
Улар ош пиширдилар.

Мен Тошкент шаҳрида яшайман.  
Мен машинани яхши күраман.  
Мен дүшанба куни футбол үйнадим.  
Мен Шавкат билан шахмат үйнадим.

Қүйидаги саволларга тұлиқ жавоб беринг.

Қайси транспортнинг номида *ш* товуши бор?  
Қайси дараҳтларнинг номида *ш* товуши бор?  
Қайси уй жиҳозларининг номида *ш* товуши бор?  
Қайси ҳайвонларнинг номида *ш* товуши бор?  
Қайси сабзавотларнинг номида *ш* товуши бор?  
Қайси меваларнинг номида *ш* товуши бор?  
Қайси гулларнинг номида *ш* товуши бор?  
Қайси касбларнинг номида *ш* товуши бор?  
Қайси паррандаларнинг номида *ш* товуши бор?  
Қайси кийимларнинг номида *ш* товуши бор?

*Текшириш үчүн сүзлар:* Машина, шафтоли, шкаф, вешалка, мушук, шеър, картошка, шолғом, қошиқ, теша, бошлиқ, шим, шапка.

### Мақоллар

Халқ иши — **хақ** иши.  
Дангаса ишдан қочар.  
Үқиш бошқа — үқиш  
башқа.  
Үқиган ўқдан ошар.

Иигит кишига етмиш  
хұнар оз.  
Учишга қанот керак,  
үқишга — тоқат.  
Үқимаган туртқидан  
шошар.

### Топишмоклар

Құл-оёғи йүқ, эшик очар.  
*Шамол.*

Қатор-қатор тош тердим,  
Жайрон отни бүш  
қүйдим.  
*Тии.*

Узун терак,  
Ичи ковак.

*Қамиш.*

Үт оловни — тишлиди,  
Оғзи қуйиб — пишлиди.  
*Оташкурак.*

Үзи шириң, туклигина,  
Мазаси ҳам тотлигина  
*Шафтоли.*

### Тез айтишлар

Кишиши еган кишининг  
тиши қамашмасмиш.

Шавкат қайга шошади,  
Шовлани шошиб ошади.

Еш мушук — мөш мушук,  
мөш мушук — ёш мушук.

Ж товуши талафғузини  
мустаҳкамлашга оид машқлар

Ж товушли бўғинларни ва сўзларни аниқ  
талафғуз этинг.

жа—жа—жа—жаз  
жо—жо—жо—жой  
жи—жи—жи—жизза  
жӯ—жӯ—жӯ—жӯжка

жайрон	жӯжа	жигар
жаннат	жибилиажибон	тожи
жавоб	жадвал	маржон
жонажон	жийда	Комилжон

Қўйидаги ибораларни ўқинг.

Жибилиажибон — жажжи қуш.

Жамила жуда одобли қиз.

Менинг отам жангда бўлган.

Биз маккажӯхори эқдик.

Журъат кўп ўқиди.

Машина ишни жуда тез бажаради.

Жаҳонгир түғри жавоб берди.

Ибораларни қўйидаги намунага қараб ўзгартиринг.

Менинг жойим жарлик.

Сенинг жойинг жарлик.

Унинг жойи жарлик.

Бизнинг жойимиз жарлик.

Сизнинг жойингиз жарлик.

Уларнинг жойлари жарлик.

Мен журнални Жавлонга бердим.

Мен Жамилагага маржон бердим.

Мен вожатийга жавоб бердим.

Қўйидаги саволларга тўлиқ жавоб беринг.

Қайси транспортларнинг номида ж товуши бор?

Қайси дараҳатларнинг номида ж товуши бор?

Қайси уй жиҳозларининг номида ж товуши бор?

Қайси ҳайвоnlарнинг номида ж товуши бор?

Қайси сабзавотларнинг номида ж товуши бор?

Қайси меваларнинг номида ж товуши бор?

Қайси гулларнинг номида ж товуши бор?

Қайси идишларнинг номида ж товуши бор?

Қайси касбларнинг номида ж товуши бор?  
Қайси паррандаларнинг номида ж товуши бор?

Текшириш учун сўзлар: анжир, инженер, жўжа,  
журналист, гултохижӯroz, бақлажон.

### Маколлар

Жаҳл — душман,  
Ақл — дуст.  
Жони борнинг, умиди бор.  
Жон берганга, жон бер,  
Жой берганга жон бер.  
Жадал бажарган — орзуга етар..

### Топишмоқлар

Ўзи ичкарида, соқоли  
ташқарида. Кичкина митти  
Холхўжани йиқитди.

Жўхори. Уйқу.

Дум-думалоқ, жажжи ой.  
Чақиб есанг, фиж-фиж  
мой. Бир қоп ун,  
Ичиди устун.  
Енғоқ. Жийда.

### Тез айтишлар

Жўжа чўчиб, гўжа чўқир.  
Жибилажибон жажжи жўжа билан жўра, жажжи  
жўжа жибилажибон билан жўра.  
Жўра Жўрага жўр бўлди.

Ч товуши талафузига оид машқлар  
Ч товушли бўғинларни ва сўзларни аниқ талафуз  
этинг.

ча—ча—ча—чап .	оч—оч—оч—соҷ	ач—ач—ач—чачвон		
чо—чо—чо—чой	ич—ич—ич—чизғич			
чи—чи—чи—чилим .	үч—ўч—ўч—кўч			
чў—чў—чў—чўян	уч—уч—уч—куч			
чу—чу—чу—чумоли				
чапак	чайла	чечак	чироқ	сўрғич
чаён	чашма	челак	чизғич	сақиҷ
чарос	чақмоқ	сичқон	ўйинчоқ	арғимчоқ
арча	кўчат	сувчи	ўрдакча	қалдирғоч
кўча	чевар	чивин	чойнак	тўғногич

## Қуидаги ибораларни үқинг.

Арча катта ва чиройли.  
Қалдирғоч учиб келди.  
Құнғироқ чалинди.  
Болалар чана учмоқдалар.

Чақмоқ чақди.  
Москва чиройли шаҳар.  
Биз тинчликни истаймиз.

Ибораларни қуидаги намунаға қараб үзгартириңг.

Мен чой ичдим.	Биз чой ичдик.
Сен чой ичдинг.	Сиз чой ичдингиз.
У чой ичди.	Улар чой ичдилар.

Мен почтага хат ташладим.

Мен чана учдим.

Мен кичкина құнғироқчани чалдим.

Қуидаги саволларга тұлық жавоб беринг.

Қайси дараҳтларнинг номида ҹ товуши бор?  
Қайси ҳайвонларнинг номида ҹ товуши бор?  
Қайси сабзавотларнинг номида ҹ товуши бор?  
Қайси меваларнинг номида ҹ товуши бор?  
Қайси гулларнинг номида ҹ товуши бор?  
Қайси идишларнинг номида ҹ товуши бор?  
Қайси касбларнинг номида ҹ товуши бор?  
Қайси құшларнинг номида ҹ товуши бор?

Текшириш үчүн сүзлар: арча, олча, чиннигул, чумчук, пичноқ учувчи, бичувчи, тикувчи, чүмич, қалдирғоч, қайрағоч.

## Мақоллар

Чумчуқдан құрққан —  
тариқ әкмас.  
Илм — ақлнинг чироғи.  
Орзуга чек йўқ.

Чақирса ишдан қочма,  
Рухсатсиз эшик очма.  
Етти ўлчаб — бир кес!

## Топишмоқлар

Тоғда, боғда яшайды,  
Қишин ёзин яшнайды.

Арча.

Чин қушим, чинни  
қушим,  
Чин тепага құнди қушим,  
Түмшүгини ерга эгиб,  
Халққа салом берди  
қушим.

Самовар.

Тумшуқсиз чумчук ер тешар..

Чакки.

Чаён эмас, чақағон  
Қүш эмас, учағон  
Эртаю кеч үзини,  
Биз-бизлаб мақтаб қоғон

Aru.

### Тез айтишлар

Оқ чойнакка оқ қопқоқ,  
Кўк чойнакка кўк қопқоқ,  
Чархчи чархлар,  
Қайчи ярқирап.  
Бир чала чайла,  
бир чала чайла ёнида

Неча-неча чала чайла.  
Чумчуқ чириллайсан,  
Чарчамоқни билмайсан.  
Чамамда чаманда.  
Чирманда чалдим.

Сирғалувчи ва шовқинли товушларни  
шеърларда мустаҳкамлаш ва  
дифференциациялаш

З. Диёр.

### Бинафша

Бинафшахон, бинафша,  
кулишларинг чиройли.

Ҳамма чиқар далага  
бинафшани тергани,

Боғимизда очилиб,  
туришларинг чиройли.

Мен ҳам йиғдим бир даста  
Опамизга бергани.

Э. Воҳидов

### Нашвати

Мени дерлар  
Нашвати.  
Шарбатларнинг  
Шарбати.

Мазаларнинг  
Мазаси.  
Лаззатларнинг  
Лаззати.

C. Аҳмад.

### Шаршара

Тоғдан келар шаршара,  
Даҳшатига бир қара!

Ташланар гўё арслон,  
Ларзага келар еру осмон.

Аммо дадам зұравон,  
Шаршарадан ҳам  
паҳлавон.

Измига солиб тезда  
Ишланар уни ГЭС да!

Ш. Сағдұла.

Читтак

Мен қүшчаман кичкина,  
Тилларим чучуккина.  
Олачипор қанотим,  
Билсангиз читтак отим.

*Сирғалувчи ва шовқинли товушлар  
Ш—Ж, С—Ш, З—Ж, С—Ч талаффузини  
дифференциациялаш*

Ш—Ж товушларини  
дифференциациялашга оид машқлар  
Қыйидаги бүгін ва сүзларни аниқ талаффуз этинг.

ша—жа	шам—жам	ша—ша—ша
шо—жо	шим—жим	жа—жа—жа
ши—жи	шува—жува	шу—шу—шу
шу—жу	шинни—жинни	жу—жу—жу
шү—жү	шонли—жонли	ши—ши—ши
жү—жү—жү		жи—жи—жи

шамол—жамол  
Шамшид—Жамшид  
шахт—жаҳд

Нұқталар үрнига тегишли ҳарфларни қўйиб үқинг.

...акар	бақла...он	боли..
...адвал	то...бақа	то...
...оли	бе...ик	то...
...ала	ан...ир	гара...

Қыйидаги саволларга тўлиқ жавоб беринг.

Мактабда пионерлар ишини ким олиб боради?  
Қайси меваларнинг номида ж ва ш товушлари бор?  
Қайси кийимлар номида ш ва ж товушлари бор?  
Қайси исмларда ш ва ж товушлари бор?  
Қайси ҳайвонлар номида ш ва ж товушлари бор?

*Текшириш учун сўзлар:* анжир, шафтоли, жемпер, шуба, шапка, шарф, Жўра, Шокир, Жамила, Шаҳло, Жанона, Жаҳонгир, Шуҳрат, пионервожатий, жайрон, эшак, шеър.

Ибораларни қўйидаги намунага қараб ўзгартиринг.

Мен Тошкентда Жамила билан танишдим.

Сен Тошкентда Жамила билан танишдинг.

У Тошкентда Жамила билан танишди.

Биз Тошкентда Жамила билан танишдик.

Сиз Тошкентда Жамила билан танишдингиз.

Улар Тошкентда Жамила билан танишдилар.

Мен жўжаларга дон сепдим.

Мен Жамолга шафтоли бердим.

Мен Шоирага журнал бердим.

Қўйидаги ибораларни ўқинг.

Шаҳлога жемпер  
олишиди.

Жасур яхши ўқийди.

Шавкат дарсларини  
қунт билан бажаради.

Шуҳрат тўғри жавоб  
беради.

Шоира жўжаларга дон  
сепди.

Жўра жуда яхши бола.  
Шкаф ичида журнал бор.

Нуқталар ўрнига тегишли ҳарфларни қўйиб ўқинг.

Кўчада ма...ина жуда кўп.

Узум ...уда ширин.

Эрга... вазифани бажарди.

Нуқталар ўрнига тегишли сўзларни қўйиб ўқинг.

Жаъфар... ... ... жавобини топди.

Эпчил бола тез ва пишиқ ... ... .

Биз ... шаҳрида турамиз.

Тожихон опа... ... ишchan.

*Текшириш учун сўзлар:* топишмоқ, Шуҳрат, жуда, Андижон, бажаради.

### Мақоллар

Яхши дустдан ажралиш,

Икки кўздан ажраш.

Яхши режа — иш йўриги.

Ўз жойида лайча ҳам шер.

Ён қўшни — жон қўшни.

## Топишмоқлар

Отаси букир хұжа,  
Онаси япалоқ ойим,  
Боласи ширин-шакар.

Қатор-қатор тош қүйдим,  
Жайрончани бүш қүйдим.  
*Тил. Тии.*

*Үзум.*

## Тез айтишлар

Шамши Жамшидга шама құлдими?  
Жамшид Шамшига шама құлдими?  
Шожалил тушидан шижаоти жүшиб турибдими ёки  
тушида чүчиб тушибдими?

**С—Ш товушларини**  
дифференциациялашға оид машқлар  
Қүйидаги бүғин ва сұзларни аниқ талаффуз этинг.

са—ша	ас—ош	ша—ша—ша
со—шо	ос—ош	со—со—со
си—ши	ис—иш	са—са—са
су—шу	ус—уш	шо—шо—шо
сү—шү	үс—үш	су—су—су
		шу—шу—шу

бос—бош	соли—шоли
мос—мош	касб—кашф
мис—миш	төвүс—төвшү
тос—тош	хас—хаш
сим—шим	түс—түш
Қосым—Хошим	сода—шода
тасма—ташна	сол—шол
сарпо—шарпа	сүри—шүри

Нүқталар үрнига тегишли ҳарфларни қўйиб ўқинг.

...амол	то..бақа	ма...ина
...акар	тим...оҳ	ке...ак
...ел	бека...ам	о..паз
...ашка	о..хона	тобу...

Қўйидаги саволларга тўлиқ жавоб беринг.

Сигирни ким соғади?  
Поездни ким ҳайдайди?  
Одамлар нимада учади?  
Сичқонни нима ушлайди?

*Текшириш учун сўзлар.* Соғувчи, машинист, самолёт, мушук.

Ибораларни қуидаги намунага қараб ўзгартиринг.

Мен рус тилидан беш баҳо олдим.

Сен рус тилидан беш баҳо олдинг.

У рус тилидан беш баҳо олди.

Биз рус тилидан беш баҳо олдик.

Сиз рус тилидан беш баҳо олдингиз.

Улар рус тилидан беш баҳо олдилар.

Мен шолига сув қўйдим.

Мен Тошкентдан Москвага самолётда учдим.

Мен сабзавотларни яхши кўраман.

Күйидаги ибораларни намунага қараб ұзгартыринг.

Мен қордан қорбобо яса-  
дим.

Сен қордан қорбобо яса-  
динг.

У қордан қорбобо ясади.

Биз қордан қорбобо яса-  
дик.

Сиз қордан қорбобо яса-  
дингиз.

Улар қордан қорбобо яса-  
дилар.

Мен синглимга құғирчоқ олиб бердим.

Мен далага қовун узишга чиқдим.

Мен булоқдан сув ичдим.

Күйидаги саволларга тұлиқ жавоб беринг.

Қайси транспортларнинг номида қ товуши бор?

Қайси дараҳтларнинг номида қ товуши бор?

Қайси уй жиҳозларининг номида қ товуши бор?

Қайси ҳайвонларнинг номида қ товуши бор?

Қайси сабзавотларнинг номида қ товуши бор?

Қайси гулларнинг номида қ товуши бор?

Қайси идишларнинг номида қ товуши бор?

Қайси касбларнинг номида қ товуши бор?

Қайси паррандаларнинг номида қ товуши бор?

Қайси кийимларнинг номида қ товуши бор?

Текшириш үчүн сүзлар: қошиқ, қайрағоч, қайин,  
қарағай, құй, айқ, қарға, қалампир, қалдирғоч, қо-  
вун, қозон, қуён, қизилча, қизилиштон, оққуш, қиз-  
ғалдоқ, қоқигул, қамчигул, құңғонгул, қалпоқ, ковоқ,  
бақлажон, қассоб.

### Мақоллар

Қолган ишга қор ёғар.

Ұқимаган оқсайды,

Ұқиган ұқдай үзар.

Ұқиш бошқа — уқишиш бошқа.

## Топиши моклар

Пакана хотин уй пойлар.

*Күлф*

Тарвузим бир оёкли,  
Пасти рангдор бүёкли.  
Күрсатар ҳамма ёқни  
Ҳам яқин, ҳам йироқни.

*Глобус.*

## Тез айтишлар

Оқил оқ олма олди, оқ олмани Оқил олди.

Боқи ботир бузоқ бокар.

Қайроғочда қора қарға қари қарғани чұқиди.

*F* товушили бүғинларни ва сүзларни аниқ талаффуз әтинг.

fa—fa—fa—fарч  
fo—fo—fo—fоп  
fy—fy—fy—ғунча  
fÿ—fÿ—fÿ—fÿза

af—af—af—жар  
of—of—of—бог  
uf—uf—uf—буғ  
ÿf—ÿf—ÿf—түғ

ғоз	fýза	ғазна	ғалтак	ғалаба
fop	fýра	ғалва	ғалвир	ғýзапоя
ғарб	ғазал	ғалла	ғижжак	ғалладон
ғарч	ғарам	ғалча	ғилдирак	ғизғизон
айғир	богбон	ёғин	оға	ноғора
айғоқ	буғдой	ёғоч	луғат	тоға
бағир	боғча	ёнғоқ	мағиз	тоғолча
жилға	жиф	ёмғир	тоғора	урғу
еғ	тиғ	димоф	ेргуғ	
жағ	тоғ	улуғ	яроғ	
буғ		урұғ	чұғ	

Қүйидаги ибораларни үқинг.

Құнғироқ чалинди.

Үйғун ғайратли бола.

Мактаб олдидә боғча бор.

Түргун түғри жавоб берди.

Дарсга құнғироқ чалинди.

Боғдаги ёш дараҳтлар ҳосилға кирди.

Пахта режаси ортиғи билан бажарилди.

Қүйидаги ибораларни намунага қараб үзгартыринг.

Мен құнғироқ чалдим.

Сен құнғироқ чалдинг.

У құнғироқ чалди.

Биз құнғироқ чалдик.

Сиз құнғироқ чалдингиз.

Улар құнғироқ чалдилар.

Мен ғозларга дон бердим.  
Мен гулларни суғордим.  
Мен Фанига ғалтак бердим.  
Мен тоғда ёнғоқ тердим.

Қуйидаги саволларга түркі тілінде жауап беринг.

Қайси транспортларнинг номида  $f$  товуши бор?

Қайси дараҳтларнинг номида *f* товуши бор?

Қайси уй жиҳозларининг номида *f* товуши бор?

Қайси ҳайвонларнинг номида *f* товуши бор?

Қайси сабзавотларнинг номида  $\neq$  товуши бор?

Қайси гулларнинг номида *f* товуши бор?

Қайси идишларнинг номида *f* товуши бор?

Қайси касбларнинг номида  $f$  товуши бор?

Қайси паррандаларнинг номида  $f$  товуши бор?  
Көнчигиңде шундай номдер бар.

Қайси кийимларнинг номида *f* товуши бор?

Текшириш үчүн сүзлар: ғаладон, ғалвир, ғоз, белбөг, бөгбөн, ёгоч, заргалдоқ, зағизғон, тоғолча, тоғора, ноғорачи, шолғом, сүзгич, ёнғоқ.

Маколлар

Яхши дуст — жон озиғи.

Емон дүст — баш қозиғи.

Файрат этгэн тогни кесар.

Файрат — темир арқонни узар.

Дили тұғрининг — тилиці тұғри.

## Топиши моклар

Новча йигит том тепар.

Тоғда, боғда яшайды,

Emfup

Кишин ёзин яшнайды.

Арча.

Икки ажиб қулоги бор,  
Бири сұзлар, бири тинг-  
лар.

Отдан баланд, итдан  
паст.

## Телефон

Эзар.

## Тез айтишлар

Фани филдиракни физиллатиб филдиратди.

Күнфироқ құғирчоқникими, күнфироқ құзичоқникими.

К, Г, Х, X<sub>i</sub>, F, K, товушларини шеърларда  
мустаҳкамлаш

### Баҳор байрами

Келди кўклам,  
Келди Май куни,  
Кўкда кезар оловли  
Қуёш,  
Келди ёшлиқ,

Баҳор байрами  
Кўнгил қувон,  
шодлан,  
яйра тош!

### Қўшиқ

Қайчи-қайчи,  
Пўлат қайчи  
Пўлат қайчи  
Қўлимни кесди.  
Муллаваччалар  
Йўлимни тўсди.  
Қаққа борасан?  
Тоққа бораман.

— Тоғда мақасан?  
— Писта чақаман.  
Пистани мағзи  
Қўқонни қанти.  
Гул яхши-ю, гул яхши,  
Гулнинг попуги яхши.  
Хаю читти гул,  
Хаю читти гул!

*Муҳаммаджон Қўшиқов*

### Болалар ва ғозлар

Болалар:— Ғозлар қўшиқ куйлайсиз,  
Фоқ-фоқ-фоқ.

Қаерларда ўйнайсиз,  
фоқ-фоқ-фоқ.

Ғозлар:— Чўмиламиз кўлларда,  
фоқ-фоқ-фоқ.

Болалар: Ғозлар бизга айтингиз,  
Фоқ-фоқ-фоқ.  
Нега оппоқ патингиз,  
фоқ-фоқ-фоқ.

Ғозлар:— Чунки, сувлар тўлқини  
Фоқ-фоқ-фоқ.  
Бизни ювар ҳар куни.  
Фоқ-фоқ-фоқ.

Болалар:— Келинг ўртоқ бўламиз,  
Фоқ-фоқ-фоқ.

Ғозлар:— Бирга ўйнаб-куламиз,  
Фоқ-оқ-оқ.

*Э. Мажидов*

**Терак**

Құқ билан баҳлашган  
теракман,  
Демайман:— Осмонга  
тиргакман!  
Хурсандман, ҳаётда  
үрним бор:  
Хар нақшин бинога  
керакман.

**Совға беринг, Қорбобо!**

Қорбобо қоп орқалаб,  
Арчамизни ёқалаб,  
Қелаётир шу топда,  
Ҳар хил совға бор қонда.  
Фоз,  
Хуроз,  
Оқ айиқ.

К—Г, К—К, К—Х товушлари талаффузини  
диффренциациялашга оид машқлар  
К—Х товушли сұзларни аниқ талаффуз этинг.

калта-халта	кор-хор	касб-хасб	коса-хосса
канда-ханда	кон-хон	кун-хун	құмдон-хұмдон
			күп-хұп

Нұқталар үрнига тегишли ҳарфларни құйиб сұзларни үқинг.

...апалак	ма...таб	Му...тор
...анда	ма...сум	Ма...туб
...алта	бұла...	Иста...
...одим	ду...оба	а...борот
	па...са	буйра...

Құйидаги саволларга тұлиқ жавоб беринг.

Сен эрталаб соат нечада турасан?

Қызларни қайси исмларида к, х товушлари бор?  
Ұғил болаларни қайси исмларида к, х, товушлари бор?

Кийимни нима билан тозалайди?

*Текшириш үчүн сұзлар:* тұққызыда, Ҳамида, Комила, Ҳамид, Ҳабибулла, Карим, чұтқа.

Ибораларни құйидаги намунага қараб үзгартириң.

Мен колхозда пахта тердім.

Сен колхозда пахта тердинг.

У колхозда пахта терди.

Биз колхозда пахта тердик.

Сиз колхозда пахта тердингиз.

Улар колхозда пахта тердилар.

Мен Комилга хат ёздим.  
Мен ёзги таътилни яхши ўтказдим.  
Мен китоб билан карта сотиб олдим.  
Мен Ҳамид билан хоккей уйнадим.

Нуқталар ўрнига тегишли ҳарфларни қўйиб ибораларни ўқинг.

Акам менга ...онъки олиб берди.  
Бизнинг колхозимиз па...та экади.  
Жумҳуриятимизнинг пойтахти — Тош...ент.

Нуқталар ўрнига тегишли сўзларни қўйиб ибораларни ўқинг.

Акам билан сабзавот ... бордик. Этажеркада ... тахланган.

Мен хамир овқатни ... кўраман.

Холамнинг уйи шаҳарнинг серқатнов ... жойлашган.

Овчилар ... пароходларда юриб овлайдилар.

*Текшириш учун сўзлар:* дўконига, китоблар, яхши, кўчасида, китни.

### Мақоллар

Ақли борнинг бахти бор.  
Бахилнинг боби кўкармас.  
Билим — бахт келтирап.  
Кўп гапдан, оз бўлса ҳам иш яхши.

### Топишмоқлар

Кичкина митти,  
Холхўжани йикитди.

Икки япроқ бир танда  
Кезар ёзда чаманда

Уйқу.

Капалак.

### Тез айтишлар

Осмонда иккита калхат,  
Бирининг оқ думи калта калхат,  
Бирининг қора думи калта калхат.

К—Қ товушлари талафузини  
дифференциациялашга оид машқлар

камар-қамар	карам-қарам	кон-қон
карта-қарта	каср-қаср	кўр-қўр
ковак-қовоқ	камал-қамал	қув-қув

комил-қобил	кир-қир	акс-ақл
кура-қура	кисса-қисса	дук-дүк
	күрик-күрик	даққи-дақки

Нуқталар ўрнига тегишли ҳарфларни қўйиб сўзларни ўқинг.

...етмон	ар...он	чойна...
...алдирғоч	то...ча	қуймо...
...ұза	чут...а	сари...
...ино	ра...с	попу...
...алит	ма...таб	печа...

Қуйидаги саволларга тұлиқ жавоб беринг.

Тикувчи нима тикади?  
Дарсга кириш учун нима чалинади?  
Қишида нима ёғади?  
Үнни нимада әлайди?

Текшириш учун сўзлар: элак, қор, кийим, құнғироқ.  
Ибораларни қуйидаги намунага қараб ўзgartириңг.  
Мен Қаримага қора қалам бердим.  
Сен Қаримага қора қалам бердинг.  
У Қаримага қора қалам берди.  
Биз Қаримага қора қалам бердик.  
Сиз Қаримага қора қалам бердингиз.  
Улар Қаримага қора қалам бердилар.  
Мен магазиндан оқ қанд олиб келдим.  
Мен Маликага ёнғоқ чақиб келдим.  
Мен таътилда қишлоққа бордим.  
Мен күп қаватли бинода яшайман..

Нуқталар ўрнига тегишли ҳарфларни қўйиб ибораларни ўқинг.

Кузда ...алдирғочлар иссиқ томонларга учиб кетади.  
...итоб ва дафтар — ўқув ...уроли.  
Қобилнинг у...аси аълочи.  
Кичкина И...бол ариқ бўйида ўйнайди.  
Биз китоб ў...ишни севамиз.

### Мақоллар

Бўридан қўрқан ўрмонга кирмайди.  
Еш келса — ишга, қари келса — ошга.

Китоб — ақл қайроғи.  
Құкка боқма,  
Құпга боқ.

### Топишмоклар

Құшалоқ товоқ,  
Ичи тұла ёғ.

Еңғоқ.

Пак-пакана бүйін бор,  
Етти қават тұни бор.

Пиёз.

Гуллаганда ой дейсиз,  
Пишгач, тотиб мой дейсиз.

Күнгабоқар

Қаноти йүқ учади,  
Дала боғни қучади,  
Ұзғы жуда ҳам юмшоқ  
Пахтадек рангги оппоқ.

Kop.

### Тез айтишлар

Саккизта күк каптарни, түққизта түқ каптарга  
күпайтиинг, түққизта түқ каптарни саккизта күк кап-  
тарга күпайтиинг.

Оқ теракда күк новда, күк теракда оқ новда.

Ариқ лабида беш терак, беш теракка сув керак.

Оқ чойнакка күк қолқоқ, күк чойнакка оқ қолқоқ.

Г—К товушлар и талафузини  
дифференциациялашга оид машқлар  
Қуидаги сұзларни аниқ талаффуз этинг.

кал-гал  
кар-гар  
карс-гард  
кавла-гавда

кул-гул  
күр-гүр

курс-гурс  
күл-гүл

Қуидаги саволларга тұлиқ жавоб беринг.

Кутубхонадан нима олинади?  
Кийимлар қаерда сотиб олинади?  
Дараҳт барглари нима қилди?  
Сен қаерда яшайсан?  
Деворга нима осилган?

Текшириш үчүн сұзлар: магазиндан, түкилади, Тош-  
кентда, гилам, китоб.

Ибораларни қуидаги намунага қараб үзгартыринг.

Мен Гули билан мактабда  
үқийман.  
Сен Гули билан мактабда  
үқийсан.  
У Гули билан мактабда  
үқийди.

Биз Гули билан мактабда  
үқиймиз.  
Сиз Гули билан мактабда  
үқийсиз.  
Улар Гули билан мактаб-  
да үқийдилар.

Мен киоскадан рўзнома сотиб олдим.  
Мен гулни ўқитувчимизга бердим.

Нуқталар ўрнига тегишли ҳарфларни қўйиб ибораларни ўқинг.

Бизнинг синфимиз ик...инчи қаватда.  
Синфимида кичик-кичик тува..ларда ...уллар бор.  
...арима мактабга эрта ...елди.

Нуқталар ўрнига тегишли сўзларни қўйиб ибораларни ўқинг.

Бинафша — баҳорнинг биринчи ... .

Ақмал ... ўқиди.

Маликанинг Попук деган ... бор.

Нигора кашта тикишни ...

Кеча ... кинофильм кўрди.

Текшириш учун сўзлар: гули, рўзнома, янги, ўрганди, мушуги.

### Мақоллар

Камтарга — камол,  
Манманга завол.  
Қаттага ҳурматда бўл,  
Кичикка иззатда бўл.  
Ўйинг тор бўлса ҳам,  
Кўнглинг кенг бўлсин.

### Топишмоқлар

Тушдан ўзгаси кўринмас кўзига,  
Кийинган кўйлаги кўринмас ўзига,

*Ипак қурти.*

Қат-қат кўйлаги бор, тугмаси йўқ.

*Карам*

Тўн, кўйлагим, белбоғим,  
Ердан унган бойлигим.

*Пахта*

## Тез айтишлар

Үктам күм-күк күклам расмпни күк қаламда чизмоқчи.

Оқ күйлакка күк тугма, күк күйлакка оқ тугма.  
Жуварани чумчук, еб кетди.

Әгаси әртага келаман деб кетди.

Келмай кеткур күр чумчук,

Жуварани әгаси келгунча вайрон қиб кетди.

K, Г, X, K, F, X — товушларини  
шеърларда, ҳикояларда  
дифференциациялаш

Пашша ғин-ғинг этади,

Марғилонга етади.

Марғилоннинг қизлари

Аччиқ олма экади.

Аччиқ олма пишибди,

Тол күчага тушибди,

Тол күчаси тор экан,

Йўлда бazzоз бор экан.

Бazzознииг қизлари

Дока шолга зор экан.

Қор ёғди гупуллатиб,  
Қорбобо дукуллатиб,  
Кириб келди боғчамизга  
Соқолини селкиллатиб.

Уйғун

## Гулдор капалак

Аҳмад бир кун боққа кирди Узаман деб қўл чўзувди,  
Даста-даста гул терай деб, Гул тўсатдан учиб кетди.  
Хурсанд қилиб дўстларимни Аввалига шошиб қолиб,  
Кучоқ-қучоқ гул терай деб. Аҳмад бирдан чўчиб кетди.

Кейин билса гул дегани  
Гул эмас, бўлак экан.  
Чўп бошида қўниб турган.  
Гулдор капалак экан.

Ш. Саъдулла

## Бола ва Тўргай

Сайра, тўргай, жон тўргай,  
Сайрасанг кўнгил тўлғай.  
Келганида ҳар баҳор,

Сени кутаман наҳор.  
Тайёрлайман ин сенга,  
Сайраб берасан менга.

Менинг отимдир Аҳмад,  
Тўрғай дейди — Кўп раҳмат!  
Сайрайди тинмай турғай,  
Сайраса кўнглим тўлғай.

O. Холмирзаев

### Олақарға

Олақарға ғағ деди,  
Менинг вақтим чоғ деди.  
Севган уйим дараҳт-у,  
Үйнар ерим боғ деди.

Олақарға ғағ деди,  
Менинг вақтим чоғ деди.  
Меҳмон келар уйингга,  
Кўрпачангни қоқ деди.

### Мехрибон қиз

Дарсдан кейин Мұҳаббат ва унинг ўртоқлари пионерлар уйига бормоқчи әдилар. Ўртоқлари Мұҳаббатни кутдилар, лекин у келмади. Кейин Каримани уларникига юбордилар. Карима Мұҳаббатларникига келиб, уни чақирди. Мұҳаббат чиқди.

Карима унга «Юр, Мұҳаббат, пионерлар уйига борамиз, ҳамма сени кутяпти»,— деди.

— Карима, мен бугун пионерлар уйига бора олмайман. Онам касал. Отам ишда, кичкина укам боғчада. Мен онамга қарайман, укамни боғчадан олиб келаман. Ундан кейин овқат пишираман. Кейин эса дарсларимни тайёрлайман,— деди Мұҳаббат.

Болалар, сиз ҳам онангизга ана шундай меҳрибон бўлинг!

### Тулки билан ғозлар

Бир куни бир тулки ўтлоққа келибди. Ўтлоқда ажойиб семиз-семиз ғозлар сайд этиб юрган экан. Тулки уларни кўриб, жуда севиниб кетибди-да:

— Маза бўлди, ҳозир ҳаммангизни ейман!— дебди.

Фозлар эса:

— Тулкижон, бизларни ема раҳм қил!— деб ялинишибди.

— Раҳм қилиш-а, бўлмаган гап. Ҳаммангизни ейман,— дебди яна тулки.

Энди қандай қилиб қутулсак экан, деб ўйлаб қолишибди ғозлар. Шунда биттаси:

— Тулкижон, ўлиш олдидан битта қўшиқ айтишимизга рухсат бер. Қўшиқни айтиб бўлганимиздан кейин ҳаммамизни ейсан. Ҳатто ӯзимиз қаршингда қа-

тор тизилиб турмиз, семизроғимизни танлашинг осон бўлади,— дебди.

— Майли, қўшиқ айтсанглар айта қолинглар, дебди Тулки.

Дастлабки битта ғоз қўшиқ айтибди. Унинг қўшиғи мана бунақа узундан-узоқ экан: «Fa-fa-fa, fa-fa-fa-fa!..»

Ундан кейин иккинчи ғоз жўр бўлибди: «Fa-fa-fa, fa-fa-fa-fa-fa-fa!..»

Ундан кейин учинчи ғоз: «Fa-fa-fa-, fa-fa-fa, fa-fa-fa-fa»,— деб қўшиқ бошлабди.

Улардан сўнг тўртинчиси хониш қилибди: «Fa, fa, fa-fa-fa, fa-fa-fa-fa, fa-fa-fa».

Тўртинчи ғоздан кейин бешинчи ғоз ҳам: «Fa-fa-fa, fa-fa-fa-fa»,— деб қўшиқ бошлабди.

Охири ҳамма ғозлар биргаликда қичқириб, «fa», «fa», «fa», лашиб тушибдилар: «Fa-fa-fa, fa-fa-fa, fa-fa-fa, fa-fa-fa»...

Қачонки ғозлар қўшиғи тамом бўлса, эртак ҳам тугайди. Шундагина тулки ғозларни ейди.

Бироқ, ақлли ғозлар қўшиқни тўхтатишни ўйлашибди. Улар ҳозир ҳам: «fa-fa-fa», «fa-fa-fa»,— деб қичқиришиб туришган эмиш.

## ТЎРТИНЧИ ҚИСМ

### ЖАРАНГЛИ ВА ЖАРАНГСИЗ УНДОШ ТОВУШЛАР

Талаффуз вақтида оғиз бўшлиғида тўсқинларга учраб, шовқин билан ҳосил бўладиган товушлар ундош товушлар деб аталади.

Ундош товушлар икки турга— жарангли ва жарангсиз товушларга бўлинади. Фақат шовқиндангина иборат бўлган товушлар жарангсиз, шовқин билан бирга озми-кўпми овоз қўшилиб айтиладиган товушлар эса жарангли ундош товуш деб аталади.

*k, n, c, t, ф, ш, ч, қ, x, ң, ҳ* товушлар жарангсиз ундош товушларга, *r, л, м, й, г, б, з, д, в, ж, ғ* жарангли ундош товушларга киради.

Жарангли ва жарангсиз ундош товушлар талаффуз вақтида артикуляцион органларнинг ҳолати, чиқаётган ҳаво оқимининг оғиз бўшлиғида тўсиқларга дуч келиши натижасида ҳосил бўлиши ҳамда овоз пайчаларининг иштироки билан фарқ қилинади.

Жарангли товушлар талаффузи вақтида овоз пайчалари очиқ бўлиб, улар товуш ҳосил бўлишида иштирок этмайди. Ҳаво оқими куч билан ташқарига чиқади.

### **В, Ф, Б, Д, товушларини тўғри талаффуз этишга ўргатиш методикаси**

В, ф товушлари талаффуз этилганда артикуляцион органлар қўйидаги ҳолатда бўлади.

Ф товуши сирғалувчи, жарангсиз лаб-тиш ундош товушидир. Талаффуз вақтида пастки лаб — олдинга юқориги тишлар томон кўтарилиб, ҳаво оқимининг чиқиши учун тор бўшлиқ яратади. Юқори лаб-енгилгина кўтарилади ва юқори тишлар куриниб туради. Пастки тишларни пастки лаб ёпиб туради. Тил уни кўтарилиб ўрта қисмида салгина ёй шакли ҳосил бўлади. Юмшоқ танглай кўтарилиб, қаттиқ танглай билан тил орасида кенг масофа ҳосил бўлади. Овоз пайчалари очиқ бўлиб, товуш ҳосил бўлишида иштирок этмайди. Ҳаво оқими тиш ва лаб орасидан куч оиласан сирғалиб чиқади ва **Ф** ундош товуши ҳосил бўлади.

В товуши сирғалувчи, лаб — тиш ундош товушидир. Артикуляцияси худди **ф** ундош товуши каби бўлиб, фақат шовқин билан ҳосил бўлади, яъни овоз пайчалари жипслашиб титрайди ва ҳаво оқими кучсиз бўлади.

**Б, П** товушлари талаффуз этилганда артикуляцион органлар қўйидаги ҳолатда бўлади.

П товуши — жарангсиз, лаб ундош товушидир. Талаффуз вақтида лаблар жипслашиб, тил уни пастки милк атрофида эркин ҳолатда бўлади. Қаттиқ танглай билан тил оралиғи очиқ бўлади. Юмшоқ танглай кўтарилган, овоз пайчалари эса очиқ булиб, товуш ҳосил бўлишида иштирок этмайди. Ҳаво оқими лабларни «ёриб» ташқарига чиқади ва шовқинли жарангсиз **п** ундош товушини ҳосил қиласди.

Б товуши жарангли, лаб ундош товушидир. Артикуляцион ҳолат худди **п** товуши талаффузидек бўлиб, фақат овоз пайчалари жипслашади ва ҳаво оқими кучсиз бўлади.

**Д, Т** товушлари талаффуз этилганда артикуляцион органлар қўйидаги ҳолатда бўлади.

Т товуши портловчи, жарангсиз; тил олди ундош

тovuшидир. Талаффуз вақтида лаблар т товушдан сұнг келадиган унли товушнинг (масалан, *та-то-ту...*) ҳолатини олади, тил учи юқори тишлиарнинг орқа томонига каттиқ тегиб туради. Тил ўрта қисмидан бошлаб орқа томон пастлаб бориб ёй ҳосил қиласы. Қаттиқ танглай билан тил сатқи ораси торайиб тилнинг бўйи қисқаради. Юмшоқ танглай кутарилади, овоз пайчалари очиқ бўлиб, товуш ҳосил булишида иштирок этмайди. Ҳаво оқими зарб билан тил учини тишва милкдан ажратиб «ёриб» чиқади ва шовқин ҳосил қиласы.

Д товуши портловчи жарангли, тил олди ундош товушдир. Талаффуз вақтида артикуляцион органлар т товуши талаффузи пайтидагидек ҳолатда бўлади, овоз пайчалари жипслашади.

### **Жарангли ва жарангсиз жуфт ундошларни талаффуз этишда учрайдиган жаранглаш нуқсонлари**

Жуфт ундошларга қўйидаги товушлар киради:

б д г в з ж  
п т к ф с ш

Талаффузда учрайдиган жаранглаш нуқсонлари учтурга бўлинади:

1. Жарангли ундошлар нутқда мутлақо бўлмайди.
2. Жарангли ундошлар жуфт жарангсиз ундошлар билан алмашинади (*бола-пола, дада-тата*).
3. Жаранглаш тўла бўлмаслиги мумкин. Шу билан бирга жарангсиз товушлар ҳам етарли даражада бўлмаслиги ёки жарангли товушлар билан алмашиниши мумкин. (*пайпоқ-байбоқ, калит-галид*).

### **Жарангли товушларни ҳосил қилиш**

Жарангли товушлар талаффузида учрайдиган нуқсонларни бартараф қилишда аввало боланинг эшитиш, кўриш ва сезиш қобилиятига алоҳида эътибор бериш лозим.

Жарангли ундош товушларни ҳосил қилишда аввало сирғалувчи (*в, з, ж*) товушлар, кейин эса портловчи (*б, д, г*) товушлар устида иш олиб борилади.

В товушини ҳосил қилишда қўйидаги усуллар қўлланилади:

*1-усул.* Логопед ойна олдида болага *ф* товушини

талаффуз эттириб, овоз қүшишни таклиф этади (овоз қүшилишини билиш учун құлни ҳиқилдоққа босиб куриш керак).

**2-усул.** Логопед болага *у* товушини талаффуз қи-лишни таклиф этади ва айни вақтда боланинг пастки лабини бармоқлар ёрдамида олдинга юқори тишлари томон күтаради. Шунда *в* товуши аниқ талаффуз этилади, сунгра *в* товуши бүғин, шеър, ҳикояларни айттириш билан мустаҳкамланади. Кейин эса *в* нинг жуфт товуши (*ф*) билан дифференциацияланади.

Б товушини ҳосил қилишда қүйидаги усуллардан фойдаланилади.

**1-усул.** Логопед ойна олдида үтирган болага *п* то-вушини овоз қүшиб талаффуз этишни таклиф этади (овоз қүшилишини билиш учун құлни ҳиқилдоққа бо-сиш керак).

**2-усул.** Логопед болага *в* товушини чүзиброқ та-лаффуз этишни таклиф этади ва шу пайтда бармоқ-лари билан боланинг пастки лабини енгил ва тез-тез ҳаракат қылдирашып юқорига ва пастга қимирлатади. Лабнинг жисплашиб ажралиши натижасида *б* товуши ҳосил бўлади.

Шундан кейин бўғинлар, сўзлар, гаплар, шеърлар, ҳикояларни айттириш билан *б* товушини аниқ талаффуз этиш мустаҳкамланади. Кейин *б* нинг жуфт товуши (*п*) билан дифференциацияланади.

Д товушини ҳосил қилишда қүйидаги усуллар қўлланилади.

**1-усул.** Логопед ойна олдида үтирган болага *т* то-вушини овоз қўшиб талаффуз этишни таклиф қиласи. (Буни текшириш учун қўлни ҳиқилдоққа босиб кўриш керак).

**2-усул.** Логопед болага *ба—ба—ба—ба* бўғинини, кейин эса *да—да—да* бўғинини ёки алмаштириб *ба—да—ба—да—ба—да* бўғинини талаффуз қилишни таклиф этади.

**3-усул.** Логопед ойна олдида үтирган болага *ба—ба—ба* бўғинини тилни олдинга чиқариб талаффуз этишни таклиф қиласи. Натижада *ð* товуши ҳосил бўлади. Тиш ора ҳолатда *ð* товуши талаффуз этилганда, логопед бармоқлари билан боланинг лаблари ни юқорига ва пастга тортиб туради ва тишлар очилганда *ð* товуши аниқ эшитилади. Д товуши бўғинларни, сўзларни айттириб мустаҳкамлангандан кейин

бөлгө тил учини юкори тиши альвеолаларига теккизіб дегендегін аның талаптарынан көрсетілді. Дегендегін шу холатда аниқ талаффуз этилгандан сұнг уни бүғинлар, сұздар, гаплар, шеърлар, ҳикояларни айттириш билан мустаҳкамлаб борилади да дегендегі жуфтегінде (т) билан дифференциацияланади.

В, б, д товушлари талаффузини автоматлаштиришга оид машқлар

В товушли бүғинларни, сұздарни аниқ талаффуз этинг.

ва—ва—ва—ваза  
во—во—во—вой  
ву—ву—ву—вужуд

ав—ав—ав—нав  
ов—ов—ов—олов  
ув—ув—ув—қув

вагон	ваъда	вергул
варақ	ванна	вилка
гавда	вазифа	вилоят
гавҳар	вазелин	велосипед
гувоҳ	даво	довон
ёввойи	давр	довучча
овоз	давлат	жавон
овора	Даврон	ковак
овчи	равон	новда
овқат	савол	новвот
ов	косов	лов-лов
нав	куёв	олов
нов	сайлов	палов

Қуидаги ибораларни ўқинг.

Ўқувчилар ёзувлар билан учрашилди.

Даврон беш баҳо билан ўқишига ваъда берди.

Базага чиройли гуллар солинган.

Автобус вокзалга келиб тұхтади.

Ибораларни қуидаги намунаға қараб ўзgartириңг.

Мен космонавт бұламан.

Сен космонавт бұласан.

У космонавт бұлади.

Биз космонавт бұламиз.

Сиз космонавт бұласиз.

Улар космонавт бұлади-

лар.

Мен аъло ўқишига ваъда бердим.

Мен ҳовуздан сув олдим.

Мен Москвани вертолётта томоша қилдим.

Мен Василага совға олдим.

Қүйидаги саволларга тулиқ жавоб беринг.

Қайси транспортларнинг номида *в* товуши бор?

Қайси дараҳтларнинг номида *в* товуши бор?

Қайси уй жиҳозларининг номида *в* товуши бор?

Қайси ҳайвонларнинг номида *в* товуши бор?

Қайси сабзавотларнинг номида *в* товуши бор?

Қайси гулларнинг номида *в* товуши бор?

Қайси идишларнинг номида *в* товуши бор?

Қайси касбларнинг номида *в* товуши бор?

Қайси исмларнинг номида *в* товуши бор?

Қайси кийимларнинг номида *в* товуши бор?

Қайси паррандаларнинг номида *в* товуши бор?

*Текшириш учун сўзлар:* автобус, трамвай, вертолёт, велосипед, товуқ, товус, новвой, врач, ўқитувчи, учувчи, Даврон, Володя, Васила, ваза, вилка, овчи, сават, Шавкат, Мавлуда, Мавлон, қовун, лавлаги, Базира, Аваз, саъва, тарвуз, сервант, диван, ошқовоқ, ловия.

### Мақоллар

Аввал ўйла — кейин сўйла.

Сувсиз ҳаёт бўлмас.

Вақтинг кетди — бахтинг кетди.

Водий суви кечиксиз бўлмас.

### Топишмоқлар

Еруғи бор, довруғи бор, Сувга тушса мингта.

Ўзи йўқ, овози бор. Сувдан чиқса битта.

Момакалдироқ.

Отнинг думи.

### Тез айтишлар

Човли — симдан

Човгум — мисдан.

Овлоқда овчи овин овлар.

Сотволди босволдини сотволдими?

Сотволди босволдини босволдими?

Б товуши талаффузини  
автоматлаштиришга оид машқлар

Б товушли бўғинларни, сўзларни аниқ талаффуз этинг.

ба—ба—ба—бало

бу—бу—бу—булбул

бо—бо—бо—бобо

бў—бў—бў—бўйра

Бадан	байрам	бедана	сабзи
балиқ	байроқ	беланчак	сабоқ
баланд	барно	белбоғ	табель
балчиқ	бодом	думба	табиат
билак	бозор	думбул	қассоб
билим	бодринг	духоба	ғазаб
касб	табиб	душанба	ғарип
китоб	талағ	хуноб	Ҳабиб
мактаб	сабаб	қалб	ҳисоб

Қуйидаги ибораларни ўқинг.

Бу — бино.

Бу — бола.

Бу — мактаб.

Бу — Наби.

Бу — бозор.

Бу — болта.

Болалар қорбобо ясаши.

Якшанба куни бозорга бордик.

Болалар бинафша терди.

Бувим билан бобом Бухорода туради.

Ибораларни қуйидаги намунаға қараб ўзгартиринг.

Мен боғбон бұламан.

Биз боғбон бұламиз.

Сен боғбон бұласан.

Сиз боғбон бұласиз.

У боғбон бўлади.

Улар боғбон бўладилар.

Мен бувимга ёрдам бераман.

Мен китобни ўқиб бераман.

Мен Баҳодирга коңыки олиб бердим.

Қуйидаги саволларга түлиқ жавоб беринг.

Қайси транспортларнинг номида б товуши бор?

Қайси дараҳтларнинг номида б товуши бор?

Қайси уй жиҳозларининг номида б товуши бор?

Қайси ҳайвонларнинг номида б товуши бор?

Қайси сабзавотларнинг номида б товуши бор?

Қайси гулларнинг номида б товуши бор?

Қайси идишларнинг номида б товуши бор?

Қайси касбларнинг номида б товуши бор?

Қайси кийимларнинг номида б товуши бор?

Қайси паррандаларнинг номида б товуши бор?

Қайси исмларнинг номида б товуши бор?

Текшириш учун сўзлар: Барно, Матлуба, Баҳодир, Наби, Иқбол, бедана, беланчак, сабзи, табиб, қассоб, бури, беҳи, йўлбарс, белбоғ, бухгалтер, гулбеор, бутакуз, автобус.

## Матоллар

Баҳилнинг боғи кўкармас.  
Баҳорги ҳаракат — кузги баракат.  
Бекорчидан ҳамма безор.  
Бўлинганни бўри ер.

## Топишмоқлар

Болта урдим, Бадахшон  
кетди.

*Милтиқ.*

Беш оға-иии қўраси бир  
хонаси бошқа.

*Қўлқон.*

Оппоқ бўлиб, қор эмас,  
Суюқ бўлиб, сув эмас.  
Ширин бўлиб, қанд эмас,  
Қани, топинг бу нима?

*Cyt.*

## Тез айтишлар

Беш мис баркаш, беш мис баркашнинг  
Ичидা беш минг беш мис баркаш.  
Туруп тутни туришиб турибдими?  
Тут турупни туришиб турибдими?

## Дтовуши талаффузини автоматлаштиришга оид машқлар

Дтовушли бўғинларни, сўзларни аниқ талаффуз этинг.  
да—да—да—дала ду—ду—ду—дунё дў—дў—дў—дўл  
до—до—до—дол ди—ди—ди—дил

дavr	данак	девор	дил
даво	дарс	денгиз	Дилбар
дада	дарча	дераза	модда
дори	адаш	дехқон	михдон
доска	адабиёт	ёрдам	мудир
доҳий	Адҳам	радио	муддат
жилд	мард	озод	
жиҳад	мақсад	пайванд	
ижод	Мурод	паризод	

Қуйидаги намунага қараб ибораларни ўзгартиринг.

Мен дафттар олдим.  
Сен дафттар олдинг.  
У дафттар олди.

Биз дафттар олдик.  
Сиз дафттар олдингиз.  
Улар дафттар олдилар.

Мен дарахт экдим.  
Мен галстугимни дазмолладим.  
Мен заводга экспурсияга бордим.  
Мен Йўлдош билан «Динамо» стадионига бордим.

Қуйидаги саволларга тўлиқ жавоб беринг.  
Қайси транспортнинг номида ҳ товуши бор?  
Қайси дарахтларнинг номида ҳ товуши бор?  
Қайси уй жиҳозларининг номида ҳ товуши бор?  
Қайси ҳайвонларнинг номида ҳ товуши бор?  
Қайси сабзавотларнинг номида ҳ товуши бор?  
Қайси гулларнинг номида ҳ товуши бор?  
Қайси идишларнинг номида ҳ товуши бор?  
Қайси исмларнинг номида ҳ товуши бор?  
Қайси касбларнинг номида ҳ товуши бор?  
Қайси кийимларнинг номида ҳ товуши бор?  
Қайси паррандаларнинг номида ҳ товуши бор?

Текшириш учун сўзлар: ўрдак, қалдирғоч, помидор, диван, доска, велосипед, пароход, теплоход, поезд, Мовлуда, Мовжуда, дўлана, Даврон, Дилшод, Мурод, Мақсуд, Одил, доктор, михдон, мудир, дехқон.

### Мақоллар

Дарахт бир жойда кўкаради.  
Дастурхонга боққан — дўст эмас.  
Дона — дурдан аъло.  
Дўст — дўстини кулфатда синар.  
Дуо олган омондир,  
Қарғиш олган ёмондир.

### Топишмоқлар

Тўлқини зўр, денгиз эмас,  
Томири кўп дарахт эмас.

Радио.

Кўкда у танҳо мезбон,  
Кутар доимо меҳмон.  
Ярақлайди зулматда,  
Кундуз улар роҳатда.

Суҳбати ширин дўстим  
Тургани билим дўстим.

Одд.

### Китоб

### Тез айтишлар

Чамамда, чаманда  
Чирманда чалдим.

Садир сададаги  
 Сариқ саъвани  
 Саватга солди.  
 Олим Олимадан олма олдими?  
 Олима Олимдан олма олдими?  
 Йұлда Йұлдошга йұлбарс йұлиқди.

В—Ф товушларини  
 дифференциациялаш  
 Қүйидаги сүзларни аниқ талаффуз этинг.

важ—фалаж	видо—фидо
vasl—fasl	вазият—фазилат
ваҳм—фаҳм	вақт—факт
ваза—фаза	варрак—фалак

Нұқталар ўрнига тегишли ҳарфларни қўйиб ибораларни үқинг.

...агон	...ронт	жа...об
...азелин	...утбол	о...оз
...исол	...асл	да...тар
...одий	...ерма	на...ас
...оҳоб	...абрика	о...тоб

Қўйидаги намунага қараб ибораларни ўзгартиринг.

Мен баҳор фаслини севаман.	Биз баҳор фаслини севамиз.
Сен баҳор фаслини севасан.	Сиз баҳор фаслини севасиз.
У баҳор фаслини севади.	Улар баҳор фаслини севадилар.

Мен бинафша гулни Равшанга кўрсатдим.  
 Мен сув бўйида Юсуфни кўрдим.  
 Мен ҳовлига шафтоли кўчати ўтқиздим.

Қўйидаги саволларга тўлиқ жавоб беринг.

Вазага нима солинди?  
 Қўлга нима суради?  
 Боғда нима пишибди?  
 Ўқувчилик қаерга бордилар?  
 Қайси симларда в, ф товушлари бор?  
 Текшириш учун сўзлар: мева, вазелин, шафтоли,

фабрикага, Васила, Фотима, Мавжуда, Зулфия, Дил-  
фуза, Гавҳар, Вазира, Воҳид, Фаёз, Фаттоҳ, Жавлон.

Нуқталар ўрнига керакли ҳарфларни қўйиб ўқинг.  
Вазиранинг эсдалик да...тари бор.  
Бир йилда тўрт ...асл бор.  
Гулларни ўқувчилар пар...ариш қиласидилар.  
Аълочи ўқувчилар муко...отланди.  
Ўқу...чилар тана...усга чиқдилар.  
Ҳай...онот боғида то...ус бор.

### М а қ о л л а р

Фарзанд—жонга пайванд  
Нодон дўст — жафо.  
Чин дўст — вафо.

### Т о п и ш м о қ л а р

Устуни йўқ, томи йўқ,  
Уйдан сира ками йўқ.  
Ўқув қуроли ҳар хил,  
Унда турар дўст — ахил  
*Портфель-*

### Т е з а й т и ш л а р

Фотима фалсафадан сўзласа, Фарида сафсата со-  
тади.

### Б—п т о в у ш л а р и н и д и ф ф е р е н ц и а ц и я л а ш

Қўйидаги сўзларни ўқинг.

банд—панд	боя—поя	бақир—пақир
барг—парк	боб—поп	байроқ—пайпоқ
байт—пайт	бола—пола	бахмал—пахмол
бой—пой	бари—пари	бодом—погом
	барча—парча	бочка—почка
		боғбон—полвон

Нуқталар ўрнига тегишли ҳарфларни қўйиб ўқинг.

...аҳор	...арвоз	лам...очка
...алиқ	...ечак	гул...еор
...озор	...иёз	де...утат
...илак	...илла	и...ак

Қўйидаги намунага қараб ибораларни ўзgartиринг.

Мен топишмоқнинг жавобини топдим.

Сен топишмоқнинг жавобини топдинг.

У топишмоқнинг жавобини топди.

Биз топишмоқнинг жавобини топдик.  
Сиз топишмоқнинг жавобини топдингиз.  
Улар топишмоқнинг жавобини топдилар.

Мен пионер бўламан.  
Мен ботаникадан беш баҳо олдим.  
Мен дараза пардаларини ювдим.  
Мен Баҳром билан паркка бордим.  
Нуқталар ўрнига керакли ҳарфларни қўйиб ўқинг.  
Опам янги кито... олиб берди.  
Анжирининг я...роғи катта бўлади.  
Тўкилган ...ахталарни болалар тердилар.  
Бу йил пахта ҳосили тўл... бўлади.  
Пўлат ...ионер ва аълочи бола.  
...оезд манзилга келиб тўхтади.  
Макта... ҳовлиси су...урилди.  
...ионерлар клубга йиғилдилар.

Нуқталар ўрнига тегишли сўзларни қўйиб ўқинг.

... қўйларни пойлаб ётарди.  
... қор ҳамма ёқни қоплаган.  
... осмонда учяпти.  
... бувиси ҳозир пенсионер.

Биз— сентябрь ва октябрь ойларида ... терамиз.  
Менинг ... кутубхонада ишлайди.

Осмонда бир ... булут йўқ.

Текшириш учун сўзлар: каптар, пахта, опа, парча,  
оппоқ, Матлуба, Олапар, опам.

### Мақоллар

Гап билгунча иш бил.  
Аллоп, аллонинг иши қаллоп.  
Адашган қайтиб йўлинни топса, айб эмас.  
Бош омон бўлса, дўппи топилар.

### Топишмоқлар

Дарсда бизга даркор ҳар  
чоқ,  
Юзи қора, сўзи оппоқ,

Кечаси офтобдек,  
Кундузи коптоқдек.

*Лампочка.*

*Доска.*

Паловга босса бўлар,  
Подволга осса бўлар.

*Бехи.*

## Тез айтишлар

Тошпұлат патнисда патир билан парварда келтирдіми?

Эшпұлат патнисда патир билан парварда келтирдіми?

Д—т товушларини  
дифференциациялаш

Қүйидаги сұзларни аниқ талаффуз этинг.

дим—тим	донг—тонг	дилим—тилим
дин—тин	давон—тавон	дилсиз—тилсиз
душ—туш	дараңг—тараңг	дала—тала
док—ток	адо—ато	димор—тумоқ
адам—отам	озод—азот	қад—қат
адир—атир		
бод—бот		

Нұқталар ўрнига тегишли ҳарфларни қўйиб ўқинг.

...аста	...евор	рўзно...а
...асма	...акси	пах...а
...ушанба	...аом	ўр....ак
...ошибка	...оска	жий...а
...остон	...упор	Йўл...ош
...овус	...арих	ҳайвоно...

Ибораларни қўйидаги намунага қараб ўзгартиринг.

Мен Тошкентга поездда келдим.

Сен Тошкентга поездда келдинг.

У Тошкентга поездда келди.

Биз Тошкентга поездда келдик.

Сиз Тошкентга поездда келдингиз.

Улар Тошкентга поездда келдилар.

Мен дарсни пухта тайёрлайман.

Мен эрталаб соат олтида турдим.

Мен далага пахта теримига чиқдим.

Мен Тошкент метросига тушдим.

Мен Даврон билан Фарҳодникига бордим.

Мен ҳайвонот боғига бордим.

Нұқталар ўрнига тегишли ҳарфларни қўйиб ўқинг.

Турсуной ...алада капалак тутди.

Сул...он, Со...иқ — иккиси дұс... .

Сай...а столдан с...акан олди.

Кунлар қаттиқ иси...и.  
Ме...ро ер ости темир йұлидир.  
Мактабимизда ...еворий газета чиқади.

Нұқталар ўрнига тегишли сүзларни қўйиб ибораларни үқинг.

... учиб кетди.  
Юлдуз ... тозалади.  
... турли газламалар тұқылади.  
Тошкент ... шаҳри.  
... пахта тозаланади.  
Кутубхонада ... жуда күп.

*Текишириш үчүн сүзлар:* Қалдирғоч, тишини, дүстлик, заводда, пахтадан, китоб, комбинатда.

### Мақоллар

Дүст — дүстнинг таянчи.  
Етти үлчаб, бир кес.  
Табассум тошни эритади.  
Той минганды, от ҳам мина-

### Топишмоқлар

Тунда ёнар сонсиз чүф,  
Кундуз изласанг ҳам йүк  
*Юлдүзлар.*

Товушларни тинглайди,  
Ұз жойидан жилмайди.  
Боқмасанғиз күзгуга  
У сизга күринмайди.

*Кулоқ.*

### Тез айтишлар

Мамадали, Асадали, Асқарали боқди асалари,  
тұплагани асал бари.

Металлчи Мутал металдан детал ясади.

Айланмас тил, титрайди дил.

Тубсиз деңгиз дедингизми, деңгиз тенгиз дедингизми?

В, б, д, т, товушларини шеър ва  
жикоялар орқали автоматлашириш ва  
дифференциациялаш

### **Бир саъва**

Худди заҳар ютгандай,  
Африкалик тутқундай,  
Бир саъва сим қафасда,  
Хўрсинар ҳар нафасда;  
Юрагим тошиб кетди,  
Ғазабим ошиб кетди,  
Қўйиб юборингиз тез,  
Эркинлик кези бу кез.

### **Оқ кўлча**

Менинг опам пазанда,  
Туриб эрта азонда.  
Онамга ёрдам берар,  
Кўпчитиб хамир қорар.  
Тандирга ўтин қалаб,  
Хамир узиб, нон ясаб —  
Ёниб берар оқ кулча,  
Мен ўқишга кетгунча.

*Бобо Жапаров.*

### **Бўталоғим**

Дедим мен бўталоққа:  
— Нега маъраб бўзлай-  
сан?  
Чопиб у ёқ-бу ёққа  
Айт, нимани излайсан?

Бўталоқжон, илтимос  
Бўлма бунча бетоқат,  
Агар корнинг бўлса оч  
Топиб берайин овқат.

Бўталоқжон, бўталоқ  
Маърайсан бунча беко?  
Найзасини қаттиқроқ  
Санчдими қумурсқа ё?

*Ю. Тувим.*

### **Сабзавот**

Хола уйга олиб келди бозордан:  
карам,  
сабзи,  
картошка,  
лавлаги,  
Нўхат,  
Петрушка  
қайси бири тотли?  
Сабзавотлар баҳс очдилар столда,  
Инсон учун қайси яхши ва фойда?  
Карамми?  
Сабзими?  
Картошками?  
Лавлагими?  
Нўхатми?

Петрушками?  
Қайси бири тотли?  
Шу choқ хола пичоғини хүп қайраб,  
Сабзавотни кеса кетди майдалаб:  
Карамни,  
Сабзини,  
Картошкани,  
Лавлагини,  
Нұхатни,  
Петрушкани  
Қайси бири тотли?  
Қопқоқ ёпиқ қозон роеа қайнади  
Қайнаб-қайнаб маза чиқди баридан:  
Карамдан,  
Сабзидан,  
Картошкадан  
Лавлагидан,  
Нұхатдан,  
Петрушкадан  
Сабзавотнинг шўрваси ҳам  
Бўлар экан лаззатли!

### Дилбар

Дилбарни ҳовлига сув сепаётганини кўриб онаси қувониб кетди:

— Яша меҳрибон қизим! Ишимни енгиллаштири-динг. Мен энди овқат пиширай,— деди.

Дилбар ҳовлига сув сепиб бўлиб, онасидан сўради.

— Ойижон, супурги қани?

— Тол тагида турибди.

Ҳовлини супуриб бўлганингдан кейин супурганини офтобга ташлаб қўйма, қуриб қолади, супурганингда эса синиб кетади,— деди онаси.

Дилбар ўз ичида: «Ойим жуда ақлли-да, ҳамма нарсани билади», деб ўйлади ва онасига ўхшагиси келиб кетди.

**Хайтбой Эргашев**  
**Алифбени энди мен ҳеч қийналмай үқийман.**

А, а, а — Али айтди Аббоса,  
 Б, б, б,— Ботир борди беҳига,  
 В, в, в,— Вали чиқиб вагонга,  
 Г, г, г,— Гапирди Гуландомга,  
 Д, д, д,— Дўст далага сепди  
 дон,  
 Е, е, е,— Етиб егин кантаржон,  
 Ё, ё, ё,— Ёрқин томон ёлғиз  
 бор.  
 Ж, ж, ж,— Жип-жип, жўжа  
 жонивор,  
 З, з, з,— Зийраккина Загчахон,  
 И, и, и,— Иккиси илдам, илдам,  
 Й, й, й,— Йўлдош йўртиб ке-  
 тишиди.  
 К, к, к,— Ку—ку, ку—ку куй-  
 лашди,  
 Л, л, л,— Лайлак келди лўкил-  
 лаб,  
 М, м, м,— Маймун келди мун-  
 киллаб,  
 Н, н, н,— Нон олишди новвой-  
 дан,  
 О, о, о,— Ош олишди ошпаз-  
 дан.  
 П, п, п,— Пулга печенье Поп-  
 дан,

Р, р, р,— Редискани Риштон-  
 дан,  
 С, с, с,— Сабзи сўраб Сабодан,  
 Т, т, т,— Турп топишди Турди-  
 дан.  
 Ү, у, у,— Умридан ун ундириб,  
 Ф, ф, ф,— Фотимани қидириб,  
 Ҳ, ҳ, ҳ,— Ҳасан, Ҳусан чопи-  
 шиб,  
 Ц, ц, ц,— Циркдан Цойни то-  
 пишиб,  
 Ч, ч, ч,— Чори билан ичар чой,  
 Ш, ш, ш,— Шакар қўшиб Шо-  
 дивой.  
 Ъ — Айриб айт аълони,  
 Ў — Юмшатиб ёз циркулни,  
 Э, э,— Эргаш этсин Эгамга  
 Ю, ю, ю,— Юсуф ювди юлдуз-  
 ни,  
 Я, я, я — Яйраб яшнатди куз-  
 ни.  
 Ү, ў, ў.— Үтиридилар ўтлоққа  
 Қ, қ, қ,— Қўзи қочди қумлоқ-  
 қа  
 Ғ, ғ, ғ,— Ғози, Ғойиб, Ғозини,  
 Ҳ, ҳ, ҳ,— Ҳайда ҳайвонот боққа  
 Ҳа, ҳа, ҳа,— Шундай деб алиф-  
 бени,  
 Али айтди Аббосга.

## МУНДАРИЖА

	3
<b>К и р и ш . . . . .</b>	4
Нутқ органлари . . . . .	7
Артикуляцион аппаратни текшириш . . . . .	
<b>Б и р и н ч и қ и с м</b>	
Товушлар талаффузини текшириш . . . . .	10
Сирғалувчи ва шовқинли (с, з, ц, ш, ж, ч) товушларни туғри талаффуз этишга үргатиш методикаси . . . . .	10
<b>И к к и н ч и қ и с м</b>	
Л, Р, сонор товушларини тұғри талаффуз этишга үргатиш методикаси . . . . .	37
<b>У ч и н ч и қ и с м</b>	
К, Г, Х, (Қ, Ҳ, F) товушларини тұғри талаффуз этишга үргатиш методикаси . . . . .	49
<b>Т ұ р т и н ч и қ и с м</b>	
Жарангли ва жарангсиз ундош товушлар . . . . .	71
И л о в а . . . . .	87

РИСҚИНISO ШОМАХМУДОВА, ЛОЛА МҮМИНОВА

Боғча ва кичик мактаб ёшидаги болалар нутқидаги нұқсанларни бартараф этиш

Тарбиячилар учун методик құлланма

Ташкент «Ўқитувчи» 1993

Мухаррир Б. Қодиров  
Бадий мұхаррир Нурманов Ә.

Техник мұхаррир Д. Габдрахмонова  
Мусаҳих З. Гуломова

ИБ 6146

Теришга берилди 18. 01. 93. Босишига рухсат этилди 5. 10. 93. Формати  $84 \times 108/32$ . Тип. қофози. Литературная гарнитура. Кегель 10 шпонсиз. Юқори босма усулида боспиди. Шартлы б. л. 4.62. Шартлы кр-отт. 4.83. Нашр л. 4,58. Нұсха 10000. Буюртма 38.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент—129. Навоий күчаси, 30. Шартнома 12—218—92.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Янгийўл ш. Самарқанд кўчаси, 44. 1993.